

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

_____ п.ф.н., доц. **Н.Ш. Бекмуратов**

“___” _____ 2014 йил

5110900 - Педагогика ва психология кундузги бўлим IV курс талабаси

Тожибоева Захро Мирсобит қизининг

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида мурувватлилик ва
саховатлилик фазилатини шакллантириш мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Талаба: _____ Тожибаева З.

имзо

Илмий раҳбар: _____ А.Ш. Мухсиева

имзо

Такризчи: _____

имзо

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Педагогика кафедраси мудири:

п.ф.д., проф. _____ Н.М.Эгамбердиева

“___” _____ 2014 йил.

Тошкент – 2014 йил

МУНДАРИЖА:

Кириш.....

I-БОБ. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг назарий асослари.

1.1. Мурувватлилик ва саховатлилик тушунчаларининг назарий таҳлили....

1.2. Меҳрибонлик уйи мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати.....

II- Боб. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг мазмуни.

2.1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш омиллари.....

2.2. Дарсдан ташқари фаолият жараёнида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш шакл, метод ва воситалари.....

III-Боб. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг самарадорлиги

3.1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан тажриба – синов ишлари мазмуни.....

3.2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан тажриба – синов ишлари натижалари.....

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуматимиз кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик, албатта, меҳрибонлик уйларига берилаётган эътибор билан бевосита боғлиқдир.

Меҳр-мурувватга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги “Меҳр-мурувват тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган. Унинг мақсади жамиятда дўстлик, бағрикенглик, халқлараро тотувлик фуқаролар, айниқса ёшларнинг яхши ахлоқий ҳислатларини ривожлантиришдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият –енгилмас енгилмас куч” асарида кадриятларни шундай изоҳлайди: “Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик..., бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, кулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк кадриятларнинг амалий ифодасидир”.

Меҳрибонлик уйлари етим-есир болалар ва ота-онаси қаровидан ҳамда оила муҳитидан маҳрум бўлган болалар учун Давлат интернати тамойилидаги таълим-тарбия муассасасига айлантирилди ҳамда давлат тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам, таълим-тарбия тизимининг йўналиш ва тамойиллари жиҳатдан ҳам, хўжалигининг таъминоти жиҳатдан ҳам, тиб-

бий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ҳам давлат томонидан таъминланади. Қолаверса, уларнинг барча ҳуқуқлари махсус қонунлар орқали қафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида шундай дейилган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”¹. “Боқувчисидан маҳрум бўлганда” сўзлар бирикмасига “Отаси ёхуд онаси вафот қилган болалар” маъноси юклатилган. Ва айтиш чоғда, ўша сўзлардан ота-онасидан маҳрум бўлиб, боқувчисиз қолган етим болаларни ҳам тушуниш мумкин².

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда меҳрибонлик уйи муаммоси алоҳида тадқиқ этилган қатор ишлар мавжуд. Жумладан, Э.Тўхтамуродовнинг “Болалар уйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари”³ мавзусидаги номзодлик диссертациясида етим болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси тадқиқ этилган бўлса, Ў.Асқарованинг “Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари”⁴ мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўсмир ёшидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида миллий ғурур туйғусини ривожлантириш муаммоси назарий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Г.Юсупова “Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси”⁵ мавзусидаги номзодлик диссертациясида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологиясини ишлаб чиқилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012 й

² Асқарова Ў. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003 й.

³ Тўхтамуродов Э. Болалар уйларида тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий ва педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 1995. – 151

⁴ Асқарова Ў. Миллий ғурур тарбияси: (Меҳрибонлик уйлари мисолида). – Т.: Ўқитувчи, 2003.

⁵ Юсупова Г.Р. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2011. – 24 б.

Бироқ меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш муаммоси алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ана шу сабабли биз битирув малакавий ишимиз мавзусини **“Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш”** деб номладик.

Тадқиқотнинг мақсади: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг мазмуни.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини таҳлил этиш.
2. Педагогика фани олдида қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг вазифалари, моҳияти, тизимини ёритиб бериш.
3. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга доир тажриба синов ишлари мазмунини ёритиш ва натижаларини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Агар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда:

- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари ёритиб берилса;

- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг мазмун моҳияти, вазифалари, тизими очиб берилса;
- мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш йўллари кўрсатиб берилса меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари янада ёрқин намоён бўлади.

Тадқиқот методлари :

- илмий – назарий, тарихий, педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- педагогик эксперимент;
- социологик сўровлар, кузатув, суҳбат, математик-статистик таҳлил, тажриба ишлари натижаларини ишлаб чиқиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси : Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ёшлар тарбиясига доир илгари сурилган ғоялари, Шарқ мутафаккирларининг ёшлар мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга оид қарашлари мазмунидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш-педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилган;
- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш йўллари кўрсатиб берилган;

- меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларини амалга ошириш, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш мазмуни, методларига эга бўлади.

Тадқиқотнинг натижаларидан меҳрибонлик уйи тарбиячилари, методистлари, меҳрибонлик уйлари муаммолари юзасидан илмий тадқиқот иши олиб бораётган илмий тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Тажриба – синов ишлари Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 24-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари билан олиб борилди.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши уч боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг назарий асослари.

1.1. Мурувватлилик ва саховатлилик тушунчаларининг назарий таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий тарбия самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айтилиб бормасдан онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди»⁶.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш долзарб масала ҳисобланади. Мурувватлилик ва саховатлилик меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг муҳим фазилатлари сифатида ижтимоий ёрдамга муҳтожларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиш, ўзида фидойилик, олижаноблик, инсонпарварлик, меҳрибонлик каби сифатларни таркиб топтиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда муҳим анъаналардан бири меҳр-мурувват бўлиб, у қуйидаги қиёфаларда намоён бўлади:

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.61.

- жамоанинг ғамхўрлиги, қўшнилари билан касал, кекса ва кам таъминланганларига ёрдам кўрсатишади;
- ўзига тўқ кишилар билан кам таъминланган қариндошларига ва қўшилари билан моддий ёрдам беришлари;
- оқсоқол ва маҳалла қўмитаси томонидан боқувчисини йўқотган ва қарияларга ёрдам кўрсатиши ва бошқалар⁷.

Бугунги кунда ахлоқнинг умуминсоний тушунчалари сифатида эътироф этилган эзгулик ва ёвузлик, виждон, муҳаббат, бурч ва кадр-қиммат, ҳаёт мазмуни ва бахт тушунчалари энг аввало, Шарқ фалсафий-ахлоқий таълимотида талқин қилиб берилган. Машҳур файласуф-ахлоқшунос олим Г.А. Голубеванинг фикрича: «Мутахассислар ахлоқ масалалари бўйича талқинлар милoddан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида бир вақтда ва бир-биридан мустақил бўлган уч ҳудудда – Қадимги Хитой (Конфуций), Қадимги Ҳиндистон (Будда) ва Қадимги Юнонистон (етти донишманд) пайдо бўлди»⁸. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, унга қисман тўлдириш ва ўзгартириш киритиш лозим: «Ахлоқ масалалари бўйича талқинлар милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида бир вақтда ва бир-биридан мустақил бўлган тўрт ҳудудда – Ўрта Осиё (Зардушт), Қадимги Хитой (Конфуций), Қадимги Ҳиндистон (Будда) ва Қадимги Юнонистон (етти донишманд) пайдо бўлди». Бундай фикр юритишга ўзига хос асослар мавжуд. Жумладан, немис файласуфи Артур Шопенгаурнинг «Кўпгина динларга Зардуштийлик асос бўлган, масалан, бу диндан Яҳудийлик келиб чиққан: Ормузд – Яхвега, Ахриман – Иблисга айлантирилган»⁹ деган фикрини ва Фридрих Ницшенинг «Менинг Зардуштим»¹⁰ китобларини ёдга олишнинг ўзи кифоя.

⁷ Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. -232 б.

⁸ Голубева Г.А. Этика. – М.: «Экзамен», 2005. – С.33.

⁹ Шопенгаур А. Избранные произведения. – Ростов на-Дону: «Феникс», 1997. – С.191-192.

¹⁰ См: Ницше Ф. Моя Заратустра. // Избранные произведения. Т.2. – М.: «РАГС», 1999.

Милоддан аввалги VII-VI асрларда жаҳон динлари орасида энг қадимги дин, Ўрта Осиё ҳудудида зардуштийлик дини ҳукмронлик қилди. Бу дин инсониятга катта таъсир этди, яъни инсонни биринчи ўринга олиб чиқди. Зардуштийлар муқаддас китоби «Авесто»ни ўз эрасининг ўзига хос ижтимоий-қомусий асари деб ҳисоблаш мумкин. Зардуштийлик динида ахлоқий меъёрлар асоси (ахлоқий мезонлар) учликка таянган эди. «Авесто»да «Инсон яхши фикрларга эга бўлиши, фақат яхши сўзлар сўзлаши ва савобли ишлар қилиши лозим» деб ёзилган.

«Авесто»нинг катта қисми бўлган «Ясна»ларда инсон камолини кўрсатувчи ахлоқ-одоб мезони ана шу учликда ҳумата (гумата) – яхши фикр, ҳукта (гукта) – яхши сўз ва ҳварта (гваршта) – яхши ишларда ифодаланади «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» («Ясна», 14), дейилади.

«Авесто» тадқиқотчиси А.О.Маковельский инсон фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-қарши куч: Воху Манна («Эзгу фикр») ва Апо Мана («Ёвуз фикр») таъсир кўрсатади, дейди. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. «Яхши фикр» деганда илоҳий қонун руҳидаги яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашишга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда инсон яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

Зардуштийликда ахлоқийликнинг асоси, саҳоватлилик белгиси – меҳнат деб кўрсатилса, ишёқмаслик барча нуқсонларни келтириб чиқарувчи сабаб эканлигига урғу берилади. Айниқса, деҳқончилик соҳасида

қилинаётган меҳнат яхшиликни юзага чиқарувчи асосий омил дея таъкидланади. Деҳқончилик билан шуғулланиш, мўл-кўл ҳосил етиштиришга қаратилган ҳаракат Ахура Мазда қонунига бўйсуниб саналган. Дон эккан киши тақводорлик уруғини экиши, Маздага ихлосмандлик эътиқодини илгари суриши, имонни озиқлантириб туриши ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг дейилади. «Ғалла ердан униб чиққанда, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб, ун қилинаётганда улар қоча бошлайди, ҳамир қилинганда эса девлар маҳв бўлади. Ғалланинг мўл-кўл бўлиши девларнинг лабига қизитилган темир босилгандек уларни тум-тарақай қилади¹¹».

«Авесто» таълимотида жисмоний ва маънавий дунё уч ҳаётий даврга бўлинади: Биринчи давр энг қадимги давр саналиб, у илк ҳаётни билдиради. Бунда ҳам жисмоний, ҳам маънавий дунёда яхшилик тантана қилади. Дунёда ёруғлик ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган. Ягона жинойтчи – ҳоким Йима Вивахвант бўлиб, у кишиларни батамом рози қилмоқ учун уларга мол гўшти едиради. Иккинчи давр ҳозирги давр бўлиб, бу даврда яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасида кураш давом этади. Учинчи давр – бўлғуси ҳаёт. Бу даврда ақл-идрок ва адолат тантанаси ўрнатилади. Бўлғуси яхши ҳаётни Арту ўрнатиб, деҳқонлар бадавлат, ҳокимият эса мустаҳкам бўлади, дейилади. «Яхшилик таълимни ва садоқатни амалга ошириб яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар»¹².

«Авесто» таълимотига кўра инсоннинг балоғат ёши ўн беш ва мана шу ёшда инсон эҳтиёж даражасида ахлоқий жиҳатдан шаклланиб улгурган бўлиши керак. Бунга эса Эътиқод ва Ақл орқали эришиш мумкин. Ана шу тарзда инсон ўн беш ёшгача Эътиқод ва Ақл воситасида ўзининг ва ҳаётнинг

¹¹ Йўлдошев Ж, Ҳасанов С. “Авесто”да ахлоқий-таълимий қарашлар. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – Б.18.

¹² Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: «Истиқдол», 2003. – Б.38.

моҳиятини англаб етади. Ётиқод асосини эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал ва Ақл асосини эса, ҳақиқат, билим ва адолат ташкил этади¹³. Бу билан киши эран, яъни мард ва жасур инсонга айланади. Ётиқод ва Ақлга асосан яшайдиган эран киши мана бу фикрни ҳеч қачон унутмайди: «Мен бу дунёга маънавий оламдан келдим, моддий оламдан эмас. Мен яратилганман, абадий эмасман. Менинг руҳим Охурамаздага тегишли, Ахриманга эмас, яъни руҳим Эзгуликка мансуб, Ёвузликка эмас. Мен инсонман, дев (Шайтон) эмас»¹⁴. Ётиқод ва Ақл воситасида бундай фикрга келиш фарр деб аталади. Унга кўра «Фарр» – бу инсон онгида эзгулик ғоясининг ёвузлик ғояларидан ғолиб келишидир.

Бир юз эллик йил умр кўриб, шундан тўқсон йил устозлик қилган Зардўштнинг ўғли Адурбада шундай дейди: «Мен умрим давомида бойлик, ночорлик ва амалдорликни босиб ўтдим. Бойлигимда саховатли ва мурувватли, ночорлигимда ҳаракатчан ва ақлли, амалдорлигимда босиқ ва мулоҳазали бўлдим»¹⁵. Адурбадан фикрларидан келиб чиққан ҳолда куйидагича мулоҳаза юритиш мумкин:

- бой кишилар саховатли ва мурувватли бўлиши шарт, акс ҳолда улар Эзгулик ва Ёвузликни фарқлай олмайди;

- ночор кишилар ҳаракатчан ва ақлли бўлиши лозим, акс ҳолда Улар Ёвузлик жабридан қутула олмайди;

- мансабдор кишилар босиқ ва мулоҳазали бўлмоғи фарз, акс ҳолда улар Ёвузликдан тийила олмайди;

- умуман олганда, инсон саховатли, мурувватли, ҳаракатчан, ақлли, босиқ ва мулоҳазали бўлмаса Эзгулик қила олмайди. «Авесто»да баён қилинган ахлоқ фалсафасига кўра, одамзот, табиат ва тирик жонзотлар етгита

¹³ Изведат дороги и пути праведных. Пехливийский назидательные тексты. – М.: «Наука», 1991. – С.69.

¹⁴ Изведат дороги и пути праведных. Пехливийский назидательные тексты. – М.: «Наука», 1991. – С.70.

¹⁵ Шу манба. – Б.85.

Абадий Муқаддаслик ҳимоясида бўлади. Бу етти Абадий Муқаддаслик куйидагилардир:

1. Эзгу ният (Воҳу-Мана).
2. Эзгу ҳақиқат (Аша-Вахишта).
3. Чексиз мурувват (Спэнта-Армайта).
4. Хоҳиш мўътадиллиги (Хшатра-Вария).
5. Эзгу мақсад (Харватот).
6. Абадийлик (Амаретат).

Бу тушунчаларга амал қилиш одамларнинг онгида «яхшилик қилиш – энг муҳим мақсад» деган қадриятнинг таркиб топишига олиб келган. Натижада ўзгаларга яхшиликни касб қилиб олган “ижтимоий гуруҳлар” пайдо бўлган. Масалан, «Авесто»да ана шундай гуруҳлардан бири сифатида Турон ҳарбийлари кўрсатилади. Унга кўра Турон ҳарбийлари эзгуликдан куч олиб, одамлар, табиат ва жонзотларга яхшилик қилишни касб қилганлар; ёмонликка қарши курашганлар. Ҳарбий кишиларнинг бундай ақидага эга бўлиши Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи ҳаётида муҳтожларга яхшилик қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш қадимдан ахлоқий маданият унсури сифатида қабул қилинганидан далолат беради.

Мурувват ва саховат асрий давом этиб келаётган анъана сифатида қатор ўзига хосликларга эга бўлиб, маҳалла, қўни-қўшничилик турмуш тарзи билан уйғун тарзда ривожланган. Бугунги кунда мазкур анъаналардан мутахассис-кадрлар тайёрлашда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимиз ижтимоий ҳаётида мурувват ва саховатпешалик муҳим ўрин тутди. Мазкур ижтимоий қадриятлар замирида инсонийликни сақлаш, ўз шахсий манфаатларига берилмаслик, ўзгалар манфаатини ҳисобга олиш, эл-юрт, давлат ва жамият муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатиш, жамиятда соғлом маънавий муҳит яратиш каби юксак тушунчалар ўз аксини топган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Жамиятимизда инсонпарварлик,

мехр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлашда мазкур тушунчаларнинг аҳамияти каттадир»¹⁶.

Мурувват ва саховат Шарқ халқлари ҳаётида миллий қадрият даражасига кўтарилган. «Мурувват» сўзи мардлик, одамгарчилик маъноларини ифода этса¹⁷, «саховат» эса сахийлик, қўли очиклик маъноларини билдиради¹⁸. Саховат тушунчаси ўзида қуйидаги маъноларни ифода этади: 1) олийҳимматлилик, сахийлик; ҳиммат қилиш; ёрдам қўлини узатиш; ҳиммат билан эҳсону инъомлар улашиш; 2) кўчма маънода табиий бойлик; мўл ҳосил; тўкинлик, мўл-қўллик. Саховатлилик инсонга хос бўлган хусусиятларнинг энг олийжанобидир. Саховатлилик сидқидилдан қилинган яхшилик бўлиб, у беминнатлиликнинг нишонасидир¹⁹. **Мурувват** – инсонпарварлик, бирор кишига қилинган ҳолисона инсоний ёрдам, яхшилик, саховат, лутф. Мурувват саховатли, меҳр-муҳаббатли, оқибатли инсонларнинг нафақат ўз ташвиши билан, балки ўзгалар ташвиши билан яшашида, уларнинг кимгадир моддий ва маънавий кўмаклашиши, хайру эҳсон қилиш, кўнглини кўтариш сингари инсоний хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бундай инсонлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган муҳтожларга, ногиронларга, етимларга моддий ёрдам бериш билан бирга, бу каби эзгу амалларни бажаришни ўз инсоний бурчи деб билади. Мурувват инсондаги энг яхши фазилатлар ифодаси, жўмардлик белгиси бўлиб, у турли шаклларда намоён бўлади: 1) ғариб ва ожиз кишиларнинг кўнглини кўтариш; етим-есирлар, кекса ва ногиронларнинг бошини силаш, топган бойлигидан бир қисмини ногиронларга улашиш ва бошқалар. Демак, мурувват моддий ёрдамдангина иборат эмас, аслида мардлик ва олийжанобликнинг ҳар қандай кўриниши мурувватдир. Билмасдан нотўғри иш қилган кишини кечириш,

¹⁶ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б.6.

¹⁷ Навоий асарлари луғати. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б.6.

¹⁸ Ўша китоб. – Б.553.

¹⁹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2010. – Б.506-507.

ёшларнинг хато ва камчилигини билиб-билмасликка олиш, аммо мавриди келганда, буни нозик ишоралар билан тушунтириб қўйиш кабилар ҳам мурувватнинг бир кўринишидир²⁰.

Мазкур икки тушунча ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлсада, бироқ улар моҳиятига кўра турли сифат ва фазилатларни ифодалаши билан муайян фарқликларга эга.

Мурувват-бу инсоннинг пок ахлоқий туйғулар, сифат ва хусусиятларга эга эканлигини билдирса, саховат эса ана шу фазилатларнинг амалда рўёбга чиқишидир. Шу маънода «мурувват» деганда яхшиликка, эзгуликка, мардликка бўлган хоҳиш-истакни, «саховат» деганда эса ижобий хатти-ҳаракатлар мажмуини тушунамиз. Мазкур икки тушунчада яхлитликда инсонпарварлик, олижаноблик, мардлик, қўли очиклик, одамларни яхши кўриш, раҳмдиллик, бошқаларга ҳамдардлик, бошқаларни қўллаб-қувватлаш, беғаразлик, меҳр-оқибатлилиқ каби сифатлар ўз аксини топади.

Инсонпарварлик тушунчаси бошқа одамларга ва Ер юзидаги барча тирик мавжудотга эзгу, раҳмдил, ғамхўр муносабатни намоён этадиган шахс сифати, инсонийлик тарзида баҳоланади. «Фалсафа қомусий луғат»да инсонпарварлик «Одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фаилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқараш» сифатида қаралади²¹. «Педагогик энциклопедик луғат»да эса, инсонпарварлик шахс сифатида инсон, унинг эркин ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён эта олишини қадрият сифатида қабул қилиш эканлиги уқтирилади²².

Кенг маънода инсонпарварлик - инсонни шахс сифатида қадрият деб белгилайдиган, унинг эркинлик, бахтга бўлган ҳуқуқи, ўзининг

²⁰ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2010. – Б.423-424.

²¹ Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2003. – Б.166.

²² Педагогика. Большая современная энциклопедия. – Минск: «Современное слово», 2005. – С.58.

қобилиятларини намоён этиши ва ривожлантириши, ижтимоий институтларнинг баҳолаш мезонларида инсон равнақини ҳисобга оладиган қарашларнинг тарихий ўзгарувчан тизими, инсонийлик - одамлар орасида кутиладиган меъёрий муносабат.

Мардлик инсоннинг маънавий хислати бўлиб, ор-номус, виждон ва садоқат, шахнинг олижаноблигини ўзида ифода этади. Мардлик сўзи халқимиз ўртасида кенг истеъмол этиладиган ва миллатимиз учун хос бўлган фазилатни ифода этадиган сўз ҳисобланади. Мардлик сўзи жасорат, кўркмаслик, ботирлик каби сўзлар билан маънодошдир. Ўз нафатида мардлик сўзи инсоф тушунчаси билан ҳам уғунлашиб кетади. Инсоф - бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Мардлик нима эканлигини англаган инсон ожизларни ҳимоя қилади, камбағалларга ёрдам беради, забунларнинг кўнглини кўтаради.

Очиққўллик - инсон маънафий қиёфасини белгиловчи муҳим хусусият бўлиб, сахийлик, қўли очиқлик, хотамтойлик маъноларини англатади. Очиққўллик халқимиз маънавиятидан чуқур ўрин олган, миллий менталитетимизга хос хусусият сифатида қадрланади. Очиққўллик хусусиятига эга кишилар кам таъминланган, кўп болали, иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган оилаларга савоб учун доимий ёрдам кўрсатиб келади. Ўз навбатида очиққўллик сахийлик хислати билан уйғунлашади. Сахийлик ҳеч кимдан нарсасини, яхшилигини аямаслик, хотамликни ифода этади. Сахийлик қўлидан келганча инсонларга яхшилик, мурувват кўрсатиш хусусиятини ўзида мужассам этадиган фазилатдир. Сахийлик қилиб ночорларга ёрдам қўлини узатган одам, яхшилик йўлида қадр топади. Сахийлик кишининг кўрки, унинг зайнати дир.

Раҳмдиллик ўзгаларга нисбатан меҳр-шафқат, меҳрибонлик, инсонпарварлик туйғусини ифодаловчи тушунча бўлиб, унинг туб моҳияти инсонни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини билиш ҳамда уларга меҳрибонлик

кўрсатишдин иборатдир. Раҳмдиллик ўзгаларга меҳр-шафқат кўрсатиш, амалий кўмак бериш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади. Инсондаги раҳмдиллик ва меҳрибонлик унинг маънавий гўзаллигидан, нозик табиат эгаси эканлигидан далолат беради. Раҳмдил инсон яхшиликдан куч олиб, эл манфаатини кўзлайди, ўзгаларга манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларига хос хусусиятларни қуйидаги тарзда жадвал кўринишида умумлаштириш мумкин:

Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини ифода этувчи сифатлар.



Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш муайян мезонларга асосланишни талаб этади. Мазкур мезонларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) беғаразлик; ихтиёрийлик;
- 2) аниқлик; йўналтирилганлик;
- 3) вақт билан боғлиқ; меъёр билан боғлиқ.

Шунингдек, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатлари қуйидаги тамойиллар бирлигини ҳам талаб этади:

1. Ошкоралик. Ушбу тамойил мурувват ва саховат очик, тўғридан тўғри, ҳеч қандай яширин мақсад билан амалга оширилмаслиги лозимлигини иофда этади.

2. Ҳалоллик. Ҳалоллик жамиятнинг ахлоқий меъёрларига онгли равишда ва ихтиёрий амалга қилишга ундовчи ҳодиса бўлиб, инсон характерининг моҳиятидан келиб чиқиб, инсонийлик бурчининг виждонан ва онгли бажарилишини талаб этади.

3. Қонунийлик. Қонунийлик мурувват ва саховат кўрсатиш мақсадга мувофиқлик, қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда давлат-жамият манфаатларига мос келишини тақозо этади.

4. Холислик. Мурувват ва саховат инсоннинг ўз хохиш-иродаси тимсоли бўлиб қолиши керак эмас, у умуминсоний меъёр ва талаблар ифодаси сифатида намоён бўлиши зарур²³.

Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларининг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш асосида уни шакллантиришнинг қуйидаги тизимини ҳосил қилиш мумкин:

²³ Хожимуҳаммедова Д. Бўлажак ижтимоий иш ходимини мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш.-Т.: “Фан ва технология”, 2012, 44 бет.



1-расм. Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш тизими. ²⁴

²⁴ Хожимухаммедова Д. Бўлажак ижтимоий иш ходимини мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш.-Т.: “Фан ва технология”. 2012й. 44 бет.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, асосий устувор йўналишлардан бири алоҳида кўмак ва эътиборга муҳтож кишиларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўлган ижтимоий ҳимоя ва аҳолига хизмат қилишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланди. Бу шароитда ижтимоий соҳада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан ишлашда билим ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ходимларга эҳтиёж ва тегишли тарзда янги касбий фаолият – «Ижтимоий ходим»га зарурият юзага келади.

1.2. Меҳрибонлик уйи таълим-тарбия жараёнининг мавжуд ҳолати.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият –енгилмас енгилмас куч” асарида қадриятларни шундай изоҳлайди: *“Халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик..., бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”*.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф–одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қадриятлар таълим–тарбия асосида ёш авлод онгига сингдирилади. Мамлакатимиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг педагогик маҳоратида умумбашарий қадриятлар уларнинг маънавий дунёсини нақадар кенг эканлигини намоён этади. Буюк алломаларимизнинг таълим–тарбияга оид қарашларида умуминсоний ва маънавий қадриятларга бўлган эътибор асосий ўринда турган. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Инсон ахлоқи ақлга, хулқи ва ҳатти-ҳаракати эса илм–фанни ўрганишга ҳамда маърифатга асослангандагина маънавий камолотга

эришади. Алломаларнинг фикрларига кўра, инсонпарварлик ғояларининг амалга ошиши, маънавий баркамолликка эришиш, билимли ва маърифатли бўлишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар илмлиликни умуминсоний қадрият даражасида улуғлаб, жамиятнинг барча аъзоларини илм эгаллашга чақирдилар, муаллимларнинг шижоатли меҳнатини қадрладилар.

Республикада амалга оширилаётган таълимий ислохотлар жараёнида малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масаланинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, малакали мутахассислар, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим талаблари «корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада такомиллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш»²⁵ да юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Меҳрибонлик уйлари – етим ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим-тарбия мауссасаси²⁶. Етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган боаллар учун ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйларида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ўқитиш ва боқиш тўла давлат таъминоти асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида меҳрибонлик уйларида мустақил юридик шахс мақомининг берилганлиги диққатга сазовор. Бошқа юридик шахс (давлат ташкилотлари, корхоналари ва муасасалари каби)ларга қандай ҳуқуқлар берилган бўлса, Меҳрибонлик уйи ҳам шундай ҳуқуқларга эгадир. Бу эса ўз

²⁵ Каримов. И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.32.

²⁶ Аминов М.Н. “тарбия” (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат миллий нашриёти, 2010. -528б.

навбатида, Меҳрибонлик уйлари хўжалик юритиш, ўқув-тарбия ишларини олиб бориш, истаган ташкилот ёхуд муассасалар билан муомала-муносабатда бўлиш жиҳатдан ҳам мустақил эканликларини англатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сонли Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Қарори Ўзбекистондаги етим-есирларга меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва болапарварликнинг ёрқин нишонасидир. Мазкур қарорда меҳрибонлик уйларини ташкил қилиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларнинг мустақил юридик шахс сифатида тан олиниши, улар фаолиятини уюштириш, гуруҳлардаги болалар сонини санитария ва гигиена нормалари асосида белгилаш, тарбияланувчиларни ҳар хил ёхуд бир хил ёшдаги гуруҳларга бирлаштириш, Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатувчи раҳбар ходимлар, ўқитувчи-тарбиячилар ва техник хизматчиларнинг меҳнатини қадрлаш ва айни чоғда, уларнинг масъулиятини ошириш ва шу кабилар ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатда Меҳрибонлик уйларининг жойлашиш ўрни, ўша жойнинг экологик жиҳатдан қулай бўлиши ҳам назарда тутилган.

Мазкур қарорнинг энг асосий жиҳати унда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини миллий ғоя ва мафкура асосида ҳар томонлама юксак маънавийли шаҳслар этиб тарбиялаш масаласининг муҳим вазифа сифатида белгилаб берилганлигидир.

Болалик инсоннинг руҳий бардошлилиги, ҳаётга қизиқишини, одамларга меҳр-муҳаббат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби мақсадга интилувчанликни таъминловчи асосий хислатларнинг шаклланиш давридир. Бу маънавий хислатлар бетартиб шаклланмайди, улар ота-она меҳри шароитида, оила болага ўзи ва бошқалар учун масъул бўлиш, бировга кераклигини ҳис қилиш шароитида шаклланади. Ота-онасини йўқотган бола – бу ҳақиқаттан ҳам фожеали олам. Чунки ота-онага эга бўлиш боланинг энг кучли эҳтиёжларидан биридир.

Ижтимоий етимлик муаммоси аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатларга хос муаммо ҳисобланади. Ана шу сабабли мазкур муаммонинг ижобий ҳал этилиши кўплаб ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишга боғлиқдир. Меҳрибонлик уйлари ижтимоий институт сифатида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади:

1. Боланинг нормал ривожланишини таъминлаб берувчи қулай шароитлар яратиб бериш;
2. Болалар соғлигини сақлаш;
3. Боланинг ижтимоий ҳимоясини тиббий-педагогик ва ижтимоий мослашувини таъминлаш;
6. Тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
7. Болаларнинг таълим дастурларини ўзлаштириши ҳамда шахс, жамият, давлат манфаати йўлида етарли таълим олиши;
8. Тарбияланувчиларнинг умумий маданияти, ҳаётга адаптациясини шакллантириш;
9. Тарбияланувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳаётдаги ўз ўрнини белгилаб олиш эҳтиёжларини шакллантириш.

Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни тизимли ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий-педагогик фаолият – ижтимоий фаолият кўринишларидан бири бўлиб, у махсус педагогик маълумотга эга мутахассис томонидан муайян тоифадаги шахслар (имконияти чекланганлар, муҳтож субъектлар)га ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, тузатиш ва қайта тиклаш орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Глобаллашув шароитида ўзига хос ижтимоий институт ҳисобланувчи Меҳрибонлик уйларида ҳам ижтимоий-педагогик фаолиятни йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бинобарин, мазкур муассасаларда

тарбияланаётган болаларни ижтимоий муносабатларга мослаштириш, уларда ижтимоий аҳамиятга эга кадриятлар тизимини шакллантириш келгусида турли салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олишда ўзига хос долзарблик касб этади. Меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолият болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан муҳофазалаш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳамда психологик жиҳатдан зўриқишларининг олдини олиш каби йўналишларда ташкил этилади. Мазкур йўналишларда ташкил этилувчи жараён самарадорлигини таъминлашда эса ижтимоий-педагогик фаолият асосларини пухта ўзлаштира олган тарбиячиларнинг ўрни ва роли бекиёсдир.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш нуқтаи назаридан, тарбиячиларнинг мазкур фаолиятни самарали амалга оширишда уларнинг компетентлик даражаси муҳим роль ўйнайди. Компетентлик тарбиячининг аниқ эгалланган вазиятда билим ва кўникмаларини қўллай олишидир. Бироқ компетентлик уни амалга оширишнинг аниқ вазиятлари билангина чегараланиб қолмайди, балки аниқ фаолият шароитида билим ва кўникма ва ҳулқ-атвор муносабатларини сафарбар этиш билан алоқадордир.

Меҳрибонлик уйлари тарбиячиларини мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш билан боғлиқ компетентлигини қуйидаги таркибий қисмлар орқали аниқлаштириш мумкин:

1) когнитив: юксак маънавиятли шахс, уни шакллантириш ва ривожлантириш шакл, метод ва воситалари ҳамда касбий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш ҳақидаги билимлар;

2) эмоционал: тарбияланувчига ёндашувга доир мулоқот ва установкалар тизими;

3) фаолиятга доир: ўзининг тарбиячилик фаолиятини таҳлил этиш, касбий-шахсий жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлик,

тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш метод ва воситаларини қўллай олиш.

Ана шу сабабли ижтимоий-педагогик фаолиятни амалга оширувчи тарбияланувчиларнинг касбий фаолият қийинчиликларига шахсий тайёрлиги – бу мураккаб жараён бўлиб, уч-мотивацион, когнитив ва ахлоқий-психологик мазмунга эгадир. Мазкур таркибий қисмлар билан боғлиқликда қатор кўрсаткичларини очиб бериш орқали уларни шакллантириш мезонларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

I. Мотивацион таркибий қисм. Мазкур босқичда касбий фаолият ва унинг объектига муносабатнинг тўғри шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий кўрсаткичлари ва даражаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Мотивацион таркибий қисм кўрсаткичлари ва даражалари:

1. Касбий йўналганлик: касбий фаолиятни тўғри танланганига бўлган ишонч; касбга ижобий муносабат; ОТМ тугатгандан сўнг, касбий йўналиши бўйича ишлашга бўлган истакнинг йўқолиши.

2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳаётий позицияси шаклланишига ёрдам беришга интилиш: етим болаларга ёрдам беришга фаол интилиш; шахсий ташаббус кўрсатмаган ҳолда етим болаларга ёрдам бериш истаги; етим болаларга лоқайд муносабатда бўлиш.

3. Касбий фаолиятдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш мотивининг мавжудлиги: касбий ва шахсий ривожланишга бўлган эҳтиёж; касбий фаолиятдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга интилиш; ўз фаолиятидаги ниманидир ўзгартиришга хоҳишнинг мавжуд эмаслиги.

II. Когнитив таркибий қисм. Ушбу тайёрлик босқичи тарбиячининг ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни, қонуният ва тамойилларидан тўла хабардор бўлишини тақозо этади. Унинг асосий кўрсаткичлари ва даражаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

Когнитив таркибий қисм кўрсаткичлари ва даражалари:

1. Ижтимоий-педагогик ишнинг ўзига хосликлари ҳақида маълумотга эгалик: 1) Меҳрибонлик уйидаги ижтимоий педагог ишининг ўзига хослиги ҳақидаги билимларининг тўлиқлиги, чуқурлиги ва тизимлилиги; 2) ижтимоий педагогик ишнинг ўзига хосликлари ва талаблари ҳақидаги билимлари тизимли бўлмаса ҳам, яхлитликда тўғрилиги; 3) ижтимоий педагогнинг Меҳрибонлик уйидаги иши ҳақида зарурий билимларнинг мавжуд эмаслиги

2. Меҳрибонлик уйидаги тарбияланувчиларнинг ўзига хосликлари ва муаммоларини билиш ва тушуниш: 1) етим болаларнинг ижтимоий, тиббий-психологик муаммолари, педагогик ўзига хосликлари ҳақида чуқур билимга эгалик; 2) Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ўзига хосликлари ва муаммолари ҳақида чуқур тушуниш мавжуд бўлмаса-да, яхлитликда уларнинг тўғрилиги; 3) етим болаларнинг ўзига хосликлари ҳақидаги зарурий билимларнинг мавжуд эмаслиги.

3. Педагогик ишни амалга оширувчи тарбиячи сифатида Меҳрибонлик уйидаги касбий фаолият билан боғлиқ қийинчиликларни тасаввур қилиш: 1) Меҳрибонлик уйидаги касбий фаолият билан боғлиқ қийинчиликларни аниқ тасаввур қила олиш; 2) яхлитликда тўғри, бироқ касбий фаолиятдаги қийинчиликлар ҳақида жуда умумий тасаввурга эгалик; 3) касбий фаолиятдаги қийинчиликлар ҳақида адекват бўлмаган тасаввурнинг мавжудлиги.

III. Ахлоқий-психологик мувофиқлик. Касбга доир шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши мазкур босқчининг муҳим натижасидир.

Ахлоқий-психологик мувофиқлик кўрсаткичлари ва даражалари:

1. Эмпатия тарбияланувчилар билан ўзаро ижобий ҳаракат шарти сифатида: 1) эмпатия қобилиятининг юқори даражада ривожланганлиги; 2) ўртача акс этувчи эмпатиянинг мавжудлиги; 3) эмпатиянинг суст намоён бўлиши.

2. Тарбияланувчини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш сифатидаги бағрикенглик: 1) тарбияланувчилар билан муносабатда толерантлик тамойилига амал қилинишига доир шахс сифатининг доимий, яхши намоён бўлиши; 2) толерантлик тамойилини эътироф этиш; 3) бағрикенгликнинг етишмаслиги.

3. Эмоционал мослашувчанлик: 1) қийин педагогик вазиятларда ўзининг салбий эмпатиясининг назорат қилиш қобилиятининг юқори даражада ривожланганлиги; 2) ўзининг эмоционал ҳолати устидан назоратнинг мавжудлиги; 3) ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олишнинг мавжуд эмаслиги.

Мазкур фаолият таркибий қисмлари, мезон ва кўрсаткичларига асосланган ҳолда, Меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолиятни технологик жиҳатдан қуйидаги тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тайёрлов – тарбияланувчиларнинг хулқ-атворини кузатиш, улар билан индивидуал ва жамовий тарзда суҳбатлар ташкил этиш, толерантлик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ фаолият шакл, метод, усул ва воситаларини аниқлаб олиш, тарбиявий тадбирлар ишланмасини тузиш.

2. Ташкилий – муаммоларни таснифлаш, уларни таҳлил қилиш. тарбиячи толерантлик фазилатини шакллантиришга доир фаолиятнинг устувор йўналишларини, ижтимоий ижод шакллари аниқлайди, ишда ижтимоий институтларни (оила, мактаб, ёшлар ташкилотлари, соғломлаштириш муассасалари, армия, ижтимоий хизматлар) тартибга соладиган ижтимоий ёрдамчилар таркибини тузади, таълим, соғлиқ, дам олиш пайти муаммолари билан шуғулланувчи ташкилот, тўғарақлар имкониятларини ўрганади.

3. Бевосита ижтимоий-педагогик иш – кузатув, амалий фаолиятни ташкил этиш, амалга ошириш, мураккаб вазиятларнинг таҳлили.

4. Якуний-баҳоловчи – амалга оширилган фаолият натижаларини ўрганади ва тизимлаштиради, келгусида амалга ошириладиган ишларни режалаштиради ва истиқболли йўналишларни белгилайди.

II-Боб Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг мазмуни.

2.1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш омиллари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида педагогика фани тараққиётида янги босқич бошланди. Хусусан, педагогик тадқиқотларнинг кўлами кенгайтирилди, миллий педагогик маданият, мерос чуқур ўрганилиб, шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги жаҳон тажрибалари, ютуқларидан миллий хусусиятларга таянган ҳолда фойдаланиш борасидаги изланишлар юзага келди.

Таълим-тарбия жамиятнинг устувор соҳаси эканлиги жамиятдаги сўнги йиллардаги ижобий ўзгаришлар бунга мисол бўла олади. Шу ўринда мустақиллик йилларида республикамиз президенти ва ҳукумати болалар ва ўсмирларнинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларнинг қалби ва онгини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаган, ҳар томонлама ақлли, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Ота-она қарамоғисиз қолган болалар тарбияланаётган давлат қарамоғи муассасалари фаолиятининг асосий мақсади бу муассасалардаги болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тиббий реабилитацион характердаги чора-тадбирларни амалга ошириш, болаларга таълим беришни ташкиллаштиришдир²⁷.

Меҳрибонлик уйларида тарбиявий ишлар тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, қуйидаги йўналишларда ташкил этиб борилади:

- 1) маънавий-маърифий ва тарбиявий иш;

²⁷ Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. – 232 б.

- 2) оммавий-тарбиявий ишлар;
- 3) таътил кунлари олиб бориладиган тадбирлар;
- 4) очик тарбиявий машғулотлар;
- 5) “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан амалга ошириладиган тадбирлар.

Мазкур йўналишларнинг барчаси бўйича иш режалари ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув йили давомида ўтказиш муддатлари аниқ белгилаб берилган. Уларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини тарбиялаш билан боғлиқ тадбирларнинг ташкил этилиш ҳолатини Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси Олмазор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 24-сонли Меҳрибонлик уйи мисолида кўриб чиқамиз.

24-сонли Меҳрибонлик уйининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар режасида айнан мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш режалаштирилмаган бўлса-да, шунга яқин мавзуларда давра суҳбатлари, экскурсиялар, тарбиявий соатлар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан:

1) Тошкент шаҳридаги турли хил кўرғазмалар ва музейларга, халқимиз томонидан бунёд этилган иншоотларга тарбияланувчиларнинг саёҳатларини уюштириш;

2) давлатимизда нишонланадиган миллий байрамларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказиш;

3) ўқувчилар ўртасида “Маънавият соати”ни ўтказишда (ҳар душанба ва пайшанба кунлари) миллий фазилатларга ва уларнинг ўзбек миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси масалаларга эътибор қаратилган.

Таълим муассасасида эса, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ йил давомида қуйидаги оммавий тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган:

1) Республикаимизда миллий байрамларни ташкил этиш билан боғлиқ турли Марказлар ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказиш;

2) “Ўзбек миллатининг миллий фазилатлари”, “Ўзбекистон дунё таниган диёр” мавзуларида суҳбатлар ўтказиш;

3) Мамлакатимизга “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан меҳрибонлик уйида “Ҳар кунинг бўлсин Наврўз” мавзусидаги байрам кечасини ташкил этиш;

4) Ўзбекистоннинг бошқа халқлардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларига оид театрлартирилган гуруҳлараро сайли ташкил этиш.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйида дарсдан ташқари фаолият жараёнида тадбирларни ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ташкил этишга доир аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Олиб бориладиган ишлар режасида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ кўйидаги тадбирлар белгилаб олинган:

1) дарсдан кузги таътил вақтида тарбияланувчилар ўртасида миллий либослар кўригини ўтказиш;

2) кишки таътил даврида “Янги йил-яхши йил!” тарбияланувчилар учун янги йил базми ва “Инсон ахлоқи билан гўзал” мавзусида кўрик-танлови ўтказиш;

3) баҳорги таътил давомида Меҳрибонлик уйида сумалак пишириш ҳамда унинг билан боғлиқ миллий урф-одатлар, миллий фазилатларини ўзида акс эттирган, халқ анъаналари ва удумларига асосланган байрам ташкил этиш.

Меҳрибонлик уйларининг очиқ тарбиявий машғулотлар режасида ҳам айнан мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ алоҳида мавзуларда тадбирлар ўтказиш белгилаб берилмаган бўлса ҳам, мазкур масалага алоқадор айрим мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган:

1) “Меҳр-мурувватлилик – ўзбекнинг ҳиммати”;

2) “Эртақлар – эзгуликка етаклар”;

3) “Ўзбек миллатининг саховати- оламга машҳур”;

4) “Бахт ғойибдан келмас, уни кўлинг билан ярат”.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг иш режасида эса мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган:

1) “Саховат инсоният боғининг - боқий илдизидир!” мавзусида очик тарбиявий машғулоти ўтиш;

2) “Мурувватлилик – меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорликдир.” мавзусида иншолар танлови ўтказиш;

3) “Болалар – юрт келажаги” мавзусида расмлар кўргазмасини ташкил этиш.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ўзаро муносабатларига таъсир этувчи ва мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш шаклларида энг асосийларидан бири бу тўғарақлар (студия, секциялар)дир. Тўғарақлар ва уларнинг фаолият йўналишларини биз Тошкент шаҳридаги 24-сонли Меҳрибонлик уйи мисолида таҳлилини амалга оширдик. Мазкур таълим муассасасида 16 номдаги тўғарақ (студия ва секциялар)лар фаолият юритади:

- 1) “Меҳрижон” рақс тўғарағи;
- 2) самолётсозлик;
- 3) автомоделлаштириш;
- 4) тасвирий санъат;
- 5) компьютер сабоқлари;
- 6) “Биз-Мы” студияси;
- 7) театр студияси;
- 8) биоэкосан;
- 9) вокал студияси;
- 10) тасвирий санъат студияси;
- 11) мўъжаз санъат (минатюра);
- 12) “Оҳанглар сеҳри” фольклор студияси;

- 13) “Тил ўрганамиз” тўғараги;
- 14) “Муסיқа сеҳри (фортопиано\халқ чолғуси)” тўғараги;
- 15) Спорт секциялари (футбол, волейбол, қизлар футболи, кикбоксинг);
- 16) “Уй-рўзғор Академияси”.

Республикамизда меҳрибонлик уйлари ўрнига босқичма-босқич Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги 104-сонли Қарорига асосан Болалар шаҳарчалари ташкил этилмоқда. Ана шундай замонавий тарзда бунёд этилган Болалар шаҳарчаси Андижон шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда Андижон шаҳридаги “Болалар шаҳарчаси” да 14 та оилаларда 101 нафар тарбияланувчилар истиқомат қилишмоқда.

Болалар шаҳарчасининг бошқарувга доир меъёрий ҳужжатларини ўрганиш жараёнида мазкур муассасада тарбияланувчиларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга доир қуйидаги муҳим ишлар амалга оширилаётганлиги аниқланди:

“Болалар шаҳарчаси” тарбияланувчи-фарзандларининг шахсий ижтимоий муаммоларини аниқлаш, уларга хавф туғдирувчи омилларни бартараф этиш, эҳтиёжларини қондириш, ҳар маҳалада уларни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ишлари йўлга қўйилган ва амалга оширилмоқда. “Болалар шаҳарчаси”да ҳозирги кунда 101 нафар тарбияланувчи-фарзанд бўлиб, улар ҳаётлари давомида турли ижтимоий муаммоларга дуч келадилар. Ижтимоий соҳада тарбияланувчи-фарзандларни мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларининг ҳимоя қилишини таъминлаш, тарбиячи-оналар томонидан суистеъмол ҳолатлар содир этилишини олдини олиш, уларнинг кадр-қимматининг таҳқирлаш, менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик муносабатларидан асраш, тарбияланувчиларнинг ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошларини қидириб топишда ҳамда уларнинг муносабатларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, фарзандларнинг яқинлари билан учрашувлар ташкил қилиш, фарзандларнинг соғлом турмуш

тарзи асосида тарбия топишларида тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларга ёрдам ва маслаҳатлар, нафақа олувчи фарзандларнинг ҳар ойлик пул тушумини назорат қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари тарбияланувчи-фарзандларнинг яшашида ва оилаларда тарбияланишларига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш, шунингдек, ижтимоий мослашиш ҳамда жамиятга интеграциялаш учун уларни маънавий-ахлоқий, меҳнат тарбияси ва таълим олишини ҳар томонлама таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳар бир тарбияланувчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдини ўрганиш ва унинг ижтимоий мақоми барқарорлигини аниқлаш ишлари, “Болалар шаҳарчаси”даги 10 ёшга тўлган тарбияланувчини хонадонларга фарзандликка бериш вақтида уларнинг розилигини эътиборга олиб, муассасадаги оилаларга жойлаштириш, оилада яшаб кетишига тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Тарбияланувчи-фарзандларни қариндош-уруғлигини тиклаш мақсадида уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Тарбияланувчи-фарзандларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни жамиятга мослашувини таъминлаш борасида ҳар бир бола билан индивидуал суҳбатлар олиб бориляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 164-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Тарбияланувчи-фарзандларни уй-жой билан таъминланганлиги ёки таъминланмаганликлари ҳақидаги маълумотлар қайта кўриб чиқилиб, уй-жойга муҳтож деб топилган тарбияланувчи-фарзандлар ҳақидаги маълумотлар шаҳар ҳокимлиги, шаҳар, туман васийлик ва хомийлик органларига турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисида маълумотлар тайёрланиб, тақдим этиляпти. Тарбияланувчи-фарзандларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоят ва аризалар доимо кўриб чиқилиб, уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, вазиятдан одилона чиқиб кетиш ишлари амалга оширилмоқда. “Болага нисбатан зулм ва эҳтиётсиз

муносабатлар”ни олдини олиш мақсадида тарбиячи-оналар ва тарбияланувчи-фарзандлар билан индивидуал суҳбатлар олиб бориляпти. Суҳбат натижасида тарбиячи-оналар билан ҳамкорликда болага нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабатларни олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда қўлланиляпти. Оилавий ҳаёт асосларини ўқитиш, тарбияланувчи-фарзандлар оиласи, тарбиячи-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари билан муносабатларини кузатиш, ўзини-ўзи баҳолаш даражасини, ўзига бўлган ишончини кўтариш, жисмоний, маънавий эҳтиёжларини кондирилишини таъминлаш ва тарбияланувчи-фарзандлар ўртасида болага нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабатни олдини олиш мақсадида мунтазам тарбияга оид мавзуларда тарбиявий соатлар ўтказилиб келинмоқда. Бунда асосан тарбияланувчи-фарзандларнинг кичикларга бўлган муносабати, тарбиячи-онани болага нисбатан муомаласи ҳамда тарбияланувчи-фарзандларнинг бир-бирига бўлган муносабатини тартибга солиш ишлари амалга оширилмоқда. Тарбиячи-онани болаларга нисбатан эътиборли бўлиши, тарбиячи-онага бу борада педагогик ва психологик маслаҳатлар бериш доимий режага киритиляпти ва бола билан кундалик мулоқотда тарбияланувчи-фарзандлар ўртасида ҳиссий яқинликни шакллантириш, тарбиячи-она ва тарбияланувчи-фарзанд ўртасидаги мураккаб муносабатларни бартараф этиш, боланинг хулқига нисбатан ўта қатъий, бажариб бўлмайдиган талаблар қўймаслик, болага меҳр кўрсатиш, болани қаттиқ жазоламаслик, тарбиячи-она тарбиясидаги болани тарбияси оғир ва турли қийинчиликлар келтириб чиқаришга мойил деб ҳисобласа, улар билан алоҳида иш олиб бориш, сурункали касаллиги бор болалар бўлса, уларга нисбатан эътиборлироқ бўлиш каби бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

“Болалар шаҳарчаси”да режага асосан педагогик кенгашларда, тарбиячи-оналарга турли маслаҳатлар бериш учун ташкил этилган “Оналар мактаби”, тарбияланувчиларни оилага, ҳаётга тайёрлаш мақсадида ташкил

этилган “Қизлар клуби”, “Ёш ватанпарварлар” гуруҳи йиғилишларида ижтимоий хизматлар ҳақида, 9-синф битирувчиларининг қизиқишларини аниқлаш, уларнинг яқин қариндошлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасида мунтазам равишда мутахассислар билан ҳамкорликда маърузалар, давра суҳбатлари ҳамда баҳслар ўтказилиб келиняпти.

“Болалар шаҳарчаси”да ташкил этилган “Оналар мактаби” йиғилишларида тарбиячи-оналарнинг маънавий онгини бойитиш, уларни дунёқарашлари кўламини янада кенгайтириш, ўксик қалбларга тўғри йўл топишлари, меҳр беришлари ҳамда улар билан қандай тартибда муомала ўрнатиш, оналик ва болалик туйғуларини шакллантириш мақсадида қуйидаги мавзуларда “Ногиронлар билан мулоқот тили ва одоб-ахлоқ қоидалари”, “Болаларга нисбатан зўравонлик ҳақида инсон ҳуқуқлари халқоро қонуни ва стандартлари”, “Аутик болалар ва улар билан ишлаш йўллари”, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик тараққиёти диагностикаси”, “Инсон хулқини идентификацияси меъёрлари”, “Болада ўзгаларнинг ташвишларига хайрихоҳ, ҳамдард бўлиш каби қобилиятларини шакллантириш”, “Хавотирланувчи болалар ва улар билан ишлаш йўллари”, “Тутинган оила – янги оила тизими сифатида”, “Болаларни ўз хулқларини бошқаришга ўргатиш”, “Агрессив хулқли бола ва унга ёрдам бериш”, “Болаларда ўзгаларга ишонч билдириш ва ўзига нисбатан ҳам ишонч хиссини шакллантириш”, “Яхши хулқни қандай кўллаб-қувватлаш керак? ”, “Тарбияси оғир болалар билан ишлаш йўллари”, “Болалар ва уларнинг хулқ атворини кузатиш”, “Болага нисбатан зулм ва эҳтиётсиз муносабат ҳафвини келтириб чиқарувчи омиллар” каби мавзуларда тренинглар ўтказилмоқда.

“Болалар шаҳарчаси”да тарбияланувчи ўғил болалар учун ташкил этилган “Ёш ватанпарварлар”, қизлар учун ташкил этилган “Қизлар клуби” йиғилишларида “Ўсмирлик даври хусусиятлари”, “Миллий қадриятлар”, “Хаё ва ибодат тушунчалари”, “Муомала маданияти”, “Меҳмон қутиш маданияти”, “Меҳнат ва касб-хунар маданияти”, “Қийиниш маданияти”,

“Йигитларга хос фазилатлар”, “Одоб-ахлоқ қоидалари”, “Касбларнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Меҳнат қилиш ва касб танлаш ҳуқуқи”, “Эзгу фазилатлар инсон кўрки”, “Ватан туйғуси ва миллий ғурур”, “Инсоннинг дунёқараши унинг маънавиятини белгилайди” каби мавзуларда ҳамда тарбияланувчи-фарзандларнинг тиббий билимларини ошириш мақсадида “Юқумли касалликлар – қизамиқ, вирусли гепатитни олдини олиш”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Бўқоқ касаллиги хақида”, “Грипп касаллиги хақида”, “Гастритнинг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш йўллари”, “Тонзиллит (ангина) касаллиги”, “Тери касалликлари ва улардан сақланиш йўллари”, “Аллергик касалликлар – экзема, астма, конъюнктивит”, “Қамқонлик касалликлари ва унинг олдини олиш”, “Овқатдан захарланиш”, “Оғиз бўшлиғи гигиенаси”, “Ревматизм”, “Травма олиш ва унга биринчи ёрдам кўрсатиш”, “Дори қабул қилишнинг тартиб-қоидалари” каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Тарбияланувчи-фарзандларни биологик оиласига қайтариш имконияти юқори бўлган оилаларни аниқлаш мақсадида тарбиячи-оналар билан биргаликда ҳар бир тарбияланувчи-фарзанднинг генограмма ва экокартаси тузилган ҳамда тарбияланувчи-фарзандларни ҳозирги ва олдинги ҳаётлари акс эттирилган “Ҳаёт тарихи” китобларини тузиш йўлга қўйилган ва ушбу китобнинг саҳифалари йилдан йилга давом эттирилмоқда.

Шу билан бир қаторда “Оила, маҳала ва таълим муассасаси” Концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида, тарбияланувчи-фарзандларни мактабдаги билим олиш жараёнини кузатиш, фанлар кесимидаги тўғарақлардаги иштирокини назорат қилиш, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари билан мунтазам равишда алоқада бўлиш мақсадида муассаса раҳбарияти, педагог ходимлар ва тарбиячи-оналар билан биргаликда мактаб ва маҳала вакиллари билан ҳамкорликдаги ишлар мунтазам равишда олиб бориляпти.

2.2. Дарсдан ташқари фаолият жараёнида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш шакл, метод ва воситалари.

Маълумки, жамият яшаб қолиши ва ривожланиши учун моддий маънавий бойликларни узлуксиз ярата бориши зарур. Бунинг учун тарбия керак. Тарбия орқали ўтмишнинг моддий ва маънавий бойликларига авлоднинг ворислиги таъминланади: ўсиб келаётган ёш авлод ўтмиш тажрибаларини ўзлаштириб, уни янада бойитади. Тарбия шахснинг ахлоқий, ақлий, жисмоний камолада муҳим ўрин тутди.

Юртбошимизнинг 1992 йилда эълон қилинган ва дастурий аҳамият касб этган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобидаёқ “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланган алоҳида бобида кўрсатилган тўрт асосий негиз бунинг асосий мазмунини очиб берган:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир-бирини тақозо этган ҳолда, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуришда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Зеро, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, ўз тақдирининг бутун жамият ва ҳатто бутун инсоният тақдирига дахлдорлигини чуқур ҳис этган, асрлар синовидан ўтиб, инсонлик моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий қадриятлар онгу қалбига сингган, ўз фикри ва салоҳиятини эркин ва фаол намоён эта оладиган, юксак ахлоқ-одобли, маърифатли шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аждодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва вазифаларни яратганлар, шу асосда ёшлар

ижтимоий ҳаёт тажрибаларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Жамоа ва индивидуал фаолиятлари мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия шаклларида фойдаланилади.

Тарбия воситалари бирон бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали кўлланмалар, китоблар, радио, телевидения). Бундан ташқари жалб қилинган фаолият турлари – кинофильмлар, санъат асарлари, спорт бадий хаваскорлари ва бошқа фаолият турлари тарбиявий воситалари бўлиши мумкин. Тарбия воситалари миллий - тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитиш тарбиячининг тарбия тизимига киритилиши лозим. Тарбия натижаси тарбиявий жараёнинг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга боғлиқ.

Болаларнинг тарбиясида ўзининг ижобий сифатлари ахлоқий фазилатларини намоён қилганда меҳнат фаолиятида берилган топшириқ ва вазифаларни астойдил яхши топширганда ҳам тарбия иши натижаларини ҳам рағбатлантириш тарбиячидан талаб этилади.

Тарбия усуллари восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъаналарга айланади. Бинобарин ҳар бир халқнинг ўз удуми усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараши тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги керак.


Педагогикада турли хил тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланиб, бу усул, воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устунлик қилади.

Тарбия жараёнида қўлланиб келаётган хилма-хил тарбия усуллари - қуйидагиларга умумлаштириш мумкин.

- тушунтириш, (ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш);
- намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнатилган бўлиш);

- насихат бериш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, мақуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш в.к.);
- қоралаш ва жазо (тақиқлаш, тана, гина, танюеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, ўстириш, кўрқитиш, нафратланиш, онт қасам ичириш, уриш, калтаклаш в.к.).

Ушбу усуллар тизимга солинса, бирлашиб умумий бир яхлитликни ифодалайди. Тарбия жараёнида аввал болага умумий мақсад, мазмун-моҳият тушунтирилади ва кўрсатма берилади. Болалар нарса ва ҳодисаларга, берилган топшириқларга тушунмаганларида тарбиячи намуна воситасини ўтайди, яъни болаларнинг мустақил кузатувчанлигида эътибор берилади. Жуда ҳам тушунмаганлар тарбиячиларнинг, яқинларининг насихати, ўғитлари орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига етадиган бўлади. Бордию бунда ҳам болалар тушунмаса ёки тушунишни истамаса, айтганларини қилмаса, унда қоралаш ва жазолаш усулларида фойдаланишга тўғри келади. Бу тарбиялашда сўнги чора усулидир.



Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда миллий анъаналар, миллий урф-одатлар, миллий байрамлар ва умуминсоний кадриятларни асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шакллари таъказо этади.

Тарбия усулларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва усулларида педагогик жараёнда фойдаланиш учун тарбиявий усулларни уларни вазифасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ижтимоий шакллантирувчи ва тарбияланувчилар фаолиятини йўлга қўйиш усуллари: тушунтириш, ўргатиш, ишонтириш, ўйин, мусобақалар. Бу гуруҳ усулларида моҳияти шундан иборатки улар орқали меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари онгига қандай талаблар қўяётгани етказилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилар дунёқарашларини шакллантириш ҳаёт мазмунини тушуниб олишларини қўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар қўлланилади.

Тушунтириш: тушунтиришнинг моҳияти жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар тўғрисида ахборот бериш тўғрисида болалар диққатини атрофдаги воқеликка ўз фуқаролик бурчларига онгли муносабатни шакллантиришга қаратишдан иборат.

Уқтириш бирор ахлоқий фазилатни болалар онгига сингдириш ва уларнинг тушуниб бажариш, ўзлаштиришига асосланади.

Суҳбат ва ҳикоя. Ёшларни миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда ота-онанинг жонли сўзи энг таъсирли усул ҳисобланади. Суҳбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: Миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга оид мавзулар, сиёсий мавзулар, таълим ва билишга оид мавзулар. Болалар одатда ҳаётдан ва бадий адабиётдан олинган ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқий мезонлари, тарих адабиёт, санъат, ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин.

Наъмуна(ибрат). Болалар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлокий сифатларни кўринлари ва намуна олишлари ниҳоятда мумҳимдир. Педагогика коллежларида гуруҳ раҳбарининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса ўқувчиларга катта таъсир кўрсатади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворида тақлид қиладилар. Тарбиячиларнинг хулқ-атвори кўпинча тарбияланувчиларда яхши сифатларнинг баъзан эса ёмон сифат-хислатларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун тарбиячи ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Катталарни сўзи билан иш юриштириш ва хатти-ҳаракатларини тафаввут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг илғор ҳаёти ва фаолиятида олинган ёрқин маълумотлар асарлардаги кинофильмлардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини яхши наъмуналар болалар онгига кучли таъсир қилади. Намунадан халқ педагогикасини кенг фойдаланилган. Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини ҳаммаша яхшилардан, улў кишилардан ибрат олишга ундаб келганлар. Масалан: “Қуш уясида кўрганини қилади” бу оддийгина ибора замирида қанча ибрат борлигини ҳамма билавермайди. Бунга ўхшаш фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Бола ривожланишининг ўзлигини белгилашнинг асосий омили – бу фаолиятидир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш қоидаси ҳаётининг ҳамма жавҳаларида тарбия жараёнларига сингиб кетади. Шу боисдан меҳрибонлик уйларида тарбиячилар фаолиятини мақсадли ва ижобий томонлама йўналиш бериш лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. Ўз-ўзини тарбиялаш болага ёшлиқдан бериб бориладиган, ҳамда боланинг ўз шахсини ўзлаштиришга қаратилган фаолиятдир. Ўз-ўзини тарбиялаш тўғри тарбия бериш билан бирга содир бўлади ва айна вақтда тўғри тарбия натижаси ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялашнинг мувофиқиятли бўлиши учун болани ёшлигидан ўз-ўзини тўғри баҳолай билишга ўргатиш, ҳаётда ўзи интилиши лозим бўлган идеални

аниқ тушунган ҳолда ўзидаги ижобий сифатларни ва мавжуд камчиликларни бартараф этиши, ўзининг хулқ-атвorigа талабчан бўлиши ўзига четдан туриб холисона баҳо бериши керак. Ўз-ўзини тарбиялаш боланинг доимий иши бўлмоғи ва узлуксиз давом этмоғи лозим.

Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари. Тарбияланувчиларни ўсиб ривожланиши, уларда ижобий хулқий одатларда намоён бўлиши, топширик вазифаларни яхши бажарганлиги доимо тарбиячилар мунтазам рағбатлантириб борилиши муҳимдир. Айнан шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини кўра билади. Ўз кучига ишониш ва ўзида яхши хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилади.

Рағбатлантириш боланинг кўнглини кўтаради. Унга қувонч келтиради, болани янада яхшироқ бўлишига интилишига ёрдам беради. Рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари мавжуд.

1. Боланинг кучи етадиган масъулиятли топширик бериш билан болага ишонч билдиришди;
2. Мақташ (ота-оналар), болалар жамоаси олдида;
3. Эстетик совғалар бериш.

Ҳар қандай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши? яъни рағбатлантириш ҳақиқий хизматга мувофиқ бўлмаслиги, ҳаётдан ошириб тақлаш бошқа болаларни таққослаб уларни камситишга йўл қўймаслиги керак.

Ибрат тарбияси тарбия соҳасида жуда муҳим ўрин тутди. Инсон ўз мукаммал эътиқод тизимини шакллантириб олмагунча, ибрат тарбияси унга таъсир кўрсатишнинг асосий усули бўлиб қолаверади. Агар баъзилар балoғат ёшидан анча ўтиб кетганларида ҳам ўз мустакил эътиқод тизимига эга бўлмасликлари мумкинлиги назарда тутилса, ибрат тарбиясининг аҳамияти нақадар салмоқли эканлиги янада аён бўлади. Ибрат тарбиясида энг катта юк тарбиячига тушади. Тарбиячи ўзи тарбия кўрмаган бўлса, унинг уринишлари беҳуда кетади.

Меҳрсиз тарбия ҳам, таълим ҳам бўлмайди. Дўқ билан, кўрқитиш билан бировни бирор нарсага мажбур қилиш мумкин, аммо муаллим ўз фанига меҳр қўймаган бўлса, тарбиячининг қалбида ўз тарбияланувчисига нисбатан меҳри бўлмаса, уларнинг уринишларидан жўяли натижа чиқиши кийин. Меҳр тарбияси, айниқса, кичик ёшли тарбияланувчилар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инсон тугилганидан ўлимигача меҳрга муҳтож бўлади, унга кўрсатилган меҳр ҳечқачон жавобсиз қолмайди, аммо меҳр фақат беғараз бўлишини унутмаслик керак.

Бу усулни фақат кичик ёшдаги болалар тарбиясига тааллуқли деб қарасак, янглишамиз. Ҳозирги глобаллашув шароитида катта ёшдаги фарзандларимиз, айниқса ўсмирлар онгига турли ўйинлар (шоулар) орқали кимларгадир керакли йўналишда таъсир кўрсатиш усули жаҳон миқёсида жуда кенг қўлланилмоқда ва бу мавжуд вазиятни етарли даражада ҳисобга олиб иш юритмасак, ёш авлод тарбиясида катта йўқотишлар рўй бериши бугунги кунда очиқ-ойдин кўриниб қолди.

Мукофот ва жазо усули. Тарбия қадимдан кенг тарқалган бу усулидан бутунлай кечиб бўлмайди, аммо бу усулни қўллашда, айниқса, меъёр масаласига ниҳоятда ҳушёрлик билан ёндошмоқ зарур бўлади. Болани “5” олсанг, беш сўм бераман, “2” олсанг, калтак ейсанг, қабилида “тарбия” қилиш унда билимга чанқоқлик уйғотмайди, балки катталарни алдаб пул ишлаш йўлига йўналтиради.

Тарбия йўналишлари. Инсон ва жамият ҳаёти уч асосий соҳадан иборат эканлиги маълум. Демак, тарбияни ҳар уч соҳада ўзаро мутаносиб олиб борилмаса, мақсадга эришилмайди. Бундан ташқари, маълумки, ҳаётда иқтисод, сиёсат, маънавият соҳалари бир-биридан ажралган, соф ҳолда учрамайди, шу сабабли кўпинча уларнинг ўзаро кесишувида моҳиятан мураккаб тарбия йўналишлари шаклланиши мумкин.

III-Боб. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришнинг самарадорлиги.

3.1. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан тажриба - синов ишлари мазмуни.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш куйидаги шакл ва воситалар асосида амалга оширилади:

- мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга оид оммавий кечалардан кенг фойдаланиш, суҳбатлар, ижтимоий-педагог олимлар иштирокида илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида маънавий тадбирларда иштирокини ташкил этиш;
- турли учрашувлар, анжуманлар, “Меҳр-мурувватлилик - ўзбекнинг ҳиммати”, “Эртақлар - эзгуликка етаклар”, “Ўзбек миллатининг саховати- оламга машҳур”, “Бахт ғойибдан келмас, уни қўлинг билан ярат” каби мавзуларда суҳбат каби мавзуларда тадбирлар уюштириш;
- тарбияланувчиларга мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда дифференциал муносабатга асосланган ҳолда уларни бошқа турли тарбиявий шакл ва усуллар билан бирлигини ташкил этиш.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга куйидаги ижтимоий педагогик воситалар, усуллар ва шаклларнинг мажмуасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- тушунтириш, тарғибот, баҳс мунозара, таҳлил, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- панд-насихат, маслаҳат, ўғитлар, мақоллар, турли маънавий жараёнлар оид ғоялар, ёзма ёдгорликлар, урф-одатлар, маросимлар байрамлар.
- машқлар, топшириқлар ва рағбатлантириш усулларида фойдаланиш;
- учрашувлар, давра суҳбатлар ўтказиш, тадбир ва кечалар ташкил этиш;
- кинотеатр, бадиий китоблар, музейлар, сайёҳатлар ва бошқалар.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда юқоридаги усул ва, восита, шакллардан фойдаланилса самарали натижаларга эришиш мумкин.

Суҳбат асосида у ёки бу миллий анъаналарнинг маънавий тарбия мазмунини мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш билан алоқасини очиб берувчи далиллар ётади. Алоҳида эпизод ва далилларни кўрсатиш шакли турлича бўлиши мумкин. Миллий анъаналарнинг меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш ва уларни ҳозирги кундаги аҳамиятини англаш ҳар бир анъаналарнинг ахлоқий белгиларини топа билиш малакаларини талаб қилади. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда ташкил этилан маънавий маърифий фаолиятдан кейин ўтказилган суҳбат саволларидан намуналар келтирамиз:

Т/р	Саволлар
1	Ўзбекистон халқи қадимдан муҳтожларга беғараз ёрдам бериш ғоясини ахлоқий маданиятнинг асоси эканлиги қандай?
	Мурувват ва саховат моддий ва маънавий шаклга эга ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатида эканлигини айтиш?

2	“Мурувватлилик ва саховатлилик” нима учун керак?
3	Мурувватли ва саховатли шахснинг қандай хусусиятларини биласиз?
4	“Саховатлилик” деганда нимани тушунаси?
5	Мамлакатимиздаги тинчлик осойишталикни асрашда сизнинг маъсулиятингиз нималардан иборат?
6	Сизнингча “Мурувватлилик ва саховатлилик”фазилатининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
7	Ёшларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришида ОАВ ўрни нималардан иборат?
8	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда дарсдан ташқари фаолиятнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?
9	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатлари халқимиз табиатига хос деганда нималарни тушунаси?
10	Миллий маданиятимизнинг такомиллашувида ёшларнинг ўрни нималардан иборат?

“Нотиклар” клуби. Кейинги йилларда дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг маънавий-маърифий йуналишидаги янгидан янги тўғараклар ўз ишини бошламоқда. Шулардан бири - “Нотиклар” клубидир. Республикамизда ўтказилаётган тантанали, эстетик, маънавий тадбирларда нотиклик иқтидорига эга тарбияланувчиларнинг иштироки тобора ошиб бормоқда. Бу эса бошқа тарбияланувчилар учун намуна ролини бажариб, тарбияланувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун дастлаб тадқиқот фаразига мос методика ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишлари методикаси тажриба-синов ишлари

босқичлари, тажриба-синов ишларини ўтказишга доир тарқатма материаллар ҳамда тажриба-синов методларини ўз ичига қамраб олди.

1. Аниқловчи босқич. Мазкур босқичнинг мақсади меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саҳоватлилик фазилатини шакллانганлиги дастлабки ташхис этиш. Мазкур босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилди: тайёрлов – ташхиснинг мақсади, вазифа, мезон ва методлари аниқланди; изланишли – ташхис объектлари ўрганилди ва олинган ахборотлар тўпланди; таҳлилий – олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил этилди, улар изоҳланди; изоҳли – режалаштирилган ишларни ўтказишга таъсир этувчи педагогик таъсирларнинг мажмуавий ўлчови аниқланди.

2. Шакллантирувчи босқичи. Мақсад меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саҳоватлилик фазилатини шакллантириш. Тайёрлов босқичида ташхис этилганлари асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саҳоватлилик фазилатини шакллантириш йўллари ишлаб чиқилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини мурувватлилик ва саҳоватлилик фазилатини шакллантиришда восита, метод ва усуллар асосида тарбияланувчилар билан фаол иш олиб борилди.

3. Якунловчи босқич. Мақсад – барча ўтказилган тажриба-синов ишларининг якунини чиқариш. Таҳлилий босқичда тажриба-синов ишлари ва олинган натижалар таҳлил этилди. Изоҳли босқич асосида ташкил этилган тажриба-синов ишларига доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

3.2. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан тажриба – синов ишлари натижалари.

Мустақиллик йилларида долзарб муаммолардан бири янги тарихий шароитда жамиятга, юртга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу эса кўриниб турибдики ёшлар, келажак авлоддир дарҳақиқат, ёшлар республикамизда жуда катта куч ҳисобланади. Бу кучни эса тўғри йўналтириш ўзига хос ютуқ ва камчиликларни. Муаммоларни тўғри ҳал қила олиш ўша давр, ўша шароитдан жуда катта маъсулият талаб қилади. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, мамлакат келажаги билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга боғлиқдир. Ёшларни ижтимоий - сиёсий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ўз ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз олдидаги турган долзарб муаммолардан биридир.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан “Меҳр-мурувватлилик – ўзбекнинг ҳиммати” мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Давра суҳбатида меҳрибонлик уйидаги маънавий-ахлоқий ишлар бўйича директор ўринбосари, гуруҳ тарбиячиси, ва ”Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси Д. Ходжимухаммедова, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан биргаликда давра суҳбати ташкил этдик. Суҳбатда тарбияланувчиларга иштирокчилар саволлар билан мурожаат қилишди: “Мурувватлилик, саховатлилик, саҳийлик, бағрикенглик, яхшилик каби тушунчаларининг маъносини айтинг?”, “Эзгулик, қўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби тушунчаларининг маъносини айтинг?”, “Ижтимоий-фаоллик” нима учун керак?”, “Шахснинг қандай мурувватлилик хусусиятларини биласиз?”, “Саховатли инсон деганда нимани тушунасиз?”, “Мамлакатимиздаги тинчлик осойишталикни асрашда сизнинг маъсулиятингиз нималардан иборат?”, “Мурувватлилик ва саховатлилик

фазилатини шакллантиришда дарсдан ташқари фаолиятнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?”, “Миллий маданиятимизнинг такомиллашувида ёшлар фаоллигининг ўрни нималардан иборат?”, каби шуларга ўхшаш кўпгина саволлар билан тарбияланувчилар мурожаат қилишди, барча меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари давра суҳбатида фаол иштирок этишди. Уларда давлатимизда олиб борилаётган маънавий жараёнлар ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлдилар. Давра суҳбатидан мурувватлилик, саховватлилик, ўзбек миллий менталитетига хос тушунчалар ҳақида кўпгина билимларга ва маълумотларга эга бўлишди ва яхши таъсуротларга эга бўлдилар. Тарбияланувчиларнинг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш жараёнида меҳрибонлик уйининг ўрни бекиёсдир. Биз таналаган мавзумиз юзасидан тадқиқот ишларини Собир Рахимов туманидаги 24-сонли Меҳрибонлик уйида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Тарбияланувчиларни мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш жараёнидаги мақсадини аниқлаб олдик: тарбияланувчиларда инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, қўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятларини шакллантириш, уларни ижтимоий жараёнларига муносабатини тўғри таркиб топтириш, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, у ёки бу даражада маънавий-маърифий жараёнларга бўлган муносабатни шакллантиришдан иборат.

Меҳрибонлик уйида тарбиячиларнинг фаолиятида тарбияланувчиларнинг хулқ атворини кузатиш, тарбиявий жараённи ташкил этишни такомиллаштириш бевосита маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, гуруҳ раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш давомида олинган натижалар таҳлил қилинди ва тарбияланувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳда юқори даражада мурувватлилик ва саховатлилик фазилати шаклланган болалар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи болалар инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлилик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, кўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, кўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлари шаклланган ва амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён эта олади.

Иккинчи гуруҳга ўрта даражада мурувватлилик ва саховатлилик фазилати қисман шаклланган болалар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи болалар инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, кўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, кўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлар қисман англаб етадиган қизиқиши ўртача, фақатгина уларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилати қисман шаклланган, амалий фаолиятга айланмаганлиги кўринади.

Учинчи гуруҳга муруввалилик ва саховатлилик фазилати шаклланмаган тарбияланувчилар киритилди. Уларда инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик, кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, жасурлик каби сифат ва хусусиятларни тассаввур эта олмайдиган, фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган тарбияланувчилар киритилди.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларни мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: аниқловчи, шакллантирувчи, якунловчи.

Аниқловчи босқичда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини қай тарзда шаклланганлиги ўрганилди, мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан назарий билимлар ўрганилди. Ёшларни мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш учун гуруҳ раҳбарлари уларни

таҳлил қилишди, асосий ғоялар белгилаб олинди, учрашув ва суҳбатларнинг асосий таркибий қисмлари аниқланди.

Суҳбат ва учрашувлар болаларда мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш учун ташкил этиладиган дарсдан ташқари фаолият жараёнидаги маънавий тадбирлар болалар билан биргаликда ташкил этилди. Болалар маънавий тадбирларда деворий газеталар, турли миллий урф-одатлар акс эттирилган буклетлар тайёрлаш жараёнида ифода этишди.

Шакллантирувчи босқичда - дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришга доир маънавий-ахлоқий тадбирлар амалга оширилди. Яъни турли тарбиявий аҳамиятга эга кечалар, турли касб эгалари билан учрашувлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар акс эттирилган кечалар, , давра суҳбатлари шунга ўшаша бир қанча мурувватлилик ва саховватлилик фазилатини шакллантирувчи тадбирлар уюштирилди.

Яқунловчи босқич жараёнида тарбиявий фаолият шакллариининг самарали қўлланишига доир тажриба ўтказилди. Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мустақил фаолияти йўлга қўйилиб, мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлик даражаси таҳлил қилинди.

Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш натижасида уларда маънавий тарбияси, мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришга оид билимлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга муносабати, мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш да ижобий ўзгаришлар қўлга киритилди. Қуйидаги жадвалда келтирилганидек, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида юқори даражада

мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлик натижалари ўз аксини топди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлик даражаси

Гуруҳлар	Тажриба аввалида			Тажриба якунида		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи Жами 26 нафар	8	8	10	17	5	4
Назорат гуруҳи Жами 24 нафар	6	9	9	9	7	8

Дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантириш юзасидан амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижаларига мувофиқ дарсдан ташқари фаолият жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шаклланганлиги борасида фикр тўла тасдиқланди. Унинг тасдиқланиши меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурувватлилик ва саховватлилик фазилатларини шакллантиришда самарали ва муваффақиятли шакллантиришга хизмат қилиш эҳтимоли кўзда тутилган методиканинг педагогик жиҳатдан тўғри асосланганлигини исботлади ва муаммо юзасидан керакли хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида илгари сурилган педагогик ғояларда ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласи кўндаланг кўйилган. Чунки, мустақилликнинг келажагини, жамиятимизнинг мустаҳкам қурилишини, миллий ғоясининг нақадар пухта амалга ошишини ҳозирги ёшлар ҳал қилади. Шунинг учун меҳнатсеварлик тарбия муаммоси давлат аҳамиятига молик бўлган вазифадир.

Биринчидан, ўзбек миллий тарбиясининг тарихий-тадрижий тараққиётини қиёсий ўрганиш мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий тарбиясини тўғри ташкил қилиш ва йўналтириш тамойилларини бойитишга назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, халқимизнинг маънавий-маданий-маърифий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, байрамлар, миллий урф-одатлар ва анъаналар, шарқ мутафаккирларининг ҳикматлари, тарихда ўтган миллий қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолияти ёшларнинг мурувватлилиқ ва саховатлилиқ фазилатларини шакллантиришга самарали таъсир қилади.

Учинчидан, ёшларни мурувватлилиқ ва саховатлилиқ фазилатларини шакллантиришнинг назарий муаммоларини ҳал этиш мустақил республикамиз қудратини, Ватан ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, келажаги буюк давлатни барпо этадиган баркамол инсонни тарбиялашнинг асосларидан бирини ташкил этади.

Қуйидаги муаммо бўйича олиб борилган тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни берамиз:

- меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг мурувватлилиқ ва саховатлилиқ фазилатларини шакллантиришга мўлжалланган ўқув қўлланма ва услубий қўлланмалар яратиш;
- меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг мурувватлилиқ ва саховатлилиқ фазилатларини шакллантириш жараёнига тарбия

технологияларини жорий қилиб бориш, илғор тарбиявий тажрибаларни ўрганиб жараёнга тадбиқ этиш;

- Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантиришни тўғри йўналтириш ва такомиллаштириш мақсадида меҳрибонлик уйлариаро тажриба алмашишни ташкил қилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012й. 39 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 й
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: Шарқ. 1997 й 32-62 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011 й.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Абдуваҳобов У. Шахс (Комил инсон ҳақида).- Т.: Ватан, 1996. – 20 б.
7. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
8. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. – 184 б.
9. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун //Тафаккур ж. 2–сон.– 11-17-б.
10. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси /Масъул муҳаррир К.Н.Шониёзов. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.
11. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар /Масъул муҳаррир: Н.Комилов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998. – 240 б.
12. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994. – 134 б.
13. Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият //Гулистон ж. 1997. 3-сон. – 6-8-б.
14. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият /Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари асосида.- Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2001. – 160 б.
15. Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни //Назарий-семинар матер. – Т.: Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, 1999. – 92 б.
16. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.- Т.: Ўқитувчи, 1996. 192 б.

17. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчи ўсмирларда миллий ғурурни тарбиялаш бугунги кун талаби.”Истиқлол ва фан тараққиёти”. Мақолалар тўплами. Андижон., 1995й.
18. Педагогика тарихидан хрестоматия. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 42 б.
19. Исимова А. Б. “Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари” номзодлик дисс., -Т., 2004й.
20. Фахруддин, Ибн Ризоуддин. Насихат. – Т.: Чўлпон, 1993. – 96 б.
21. Маънавият ва ёшлар. – Тошкент.: “Абу матбуот-консалт”.: 2008 й.
22. Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар. К.Ҳошимов, Очилов С. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 460 б.
23. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепцияси. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 16 б.
24. Ҳасанов Солий “Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида”.Т.: Ўқитувчи 1993й.142 бет.
25. Ҳошимов К. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
26. Йўлдошев Ҳ.Қ. Меҳнат – тарбия воситаси. –Т.: Ўқитувчи. ,1989 й.
27. Шайхова.Х Меҳнат ва ахлоқий камолот.-Т.: “Ўзбекистон”. 1990 й.
28. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Дарслик. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2009. – 232/
29. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
30. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1998.
31. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
32. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли: Социология фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2005.
33. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарқ», 2004.

34. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
35. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
36. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Т.: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти», 2009.
37. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: «Маънавият», 1999.
38. Ўрта Осиёда педагогик фикр таракқиётидан лавҳалар // Зуннунов А., Хайруллаев М., Ҳотамов Н., Шодиев Д. – Т.: «Фан», 1996.
39. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима/Таржима ва изоҳлар муаллифи: А.Мансур. – Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа концерни», 1992 йил.
40. Ҳабибуллаев А. Навоий пандномаси: «Маҳбуб-ул-қулуб». – Т.: «Фан», 1996.
41. Ҳадис. IV. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) /Арабчадан А.Абдуллоҳ тарж. – Т.: «Қомуслар Бош таҳририяти», 1992.
42. Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1991.
43. Ҳожимуҳаммедова Д. “Бўлажак ижтимоий иш ҳодимида мурувватилилик ва саховатлилик фазилатларини шакллантириш”. – Т.: Услубий қўлланма. “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2013 йил .
44. Ҳошимов К., Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2010.
45. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2003. 635 б.
46. Махмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тарбия // “Педагогик маҳорат”, 2002й.
47. Асқарова С. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг педагогик маҳорати. “Халқ таълими”. Журнали. 1998. 1-сон.

И Л О В А Л А Р

Таянч тушунчалар

Меҳрибонлик уйлари – етим ва ота-оналарининг ёки боқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун давлати томонидан очилган таълим тарбия муассасаси. Етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган болалар, ота-оналари суд ҳукми билан ота-оналдик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган болаларн учун ташкил қилинган. Меҳрибонлик уйларида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади.

Ижтимоий-педагогик фаолият – ижтимоий фаолият кўринишларидан бири бўлиб, у махсус педагогик маълумотга эга мутахассис томонидан муайян тоифадаги шахслар (имконияти чекланганлар, муҳтож субъектлар)га ижтимоий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, тузатиш ва қайта тиклаш орқали шахсий ва ижтимоий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Ижтимоий тарбия – болада ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ижтимоий тарбия тарбиявий таъсирнинг аниқ мақсад асосида амалга ошириладиган, оила тарбияси, маҳалла тарбияси, мактаб тарбияси, ўрта махсус ва олий таълим тарбияси, меҳнат жамоаси тарбияси, жамоатчилик тарбияси каби тарбия институтларини қамраб оладиган мураккаб маънавий-маърифий жараёндир.

Ижтимоий сиёсий фаоллик - миллий ўзлигини англаган, миллий умуминсоний қадриятларнинг мазмун моҳиятини идрок этадиган, ўз манфаатларини жамиятга давлат манфаатлари билан уйғун тарзда тассаввур эта олади, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга жамият ва давлат олдидаги бурчларини ҳам англаб этадиган ва амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён эта олади.

Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатларига - доир яхшилик, инсонийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиклик, меҳрибонлик,

кечиримлик, мардлик, жўмардлик, сахийлик, бағрикенглик, яхшилик, эзгулик, қўли очиклик, кўзи тўқлик, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, жасурлик каби сифат ва хусусиятлар ижтимоий ходим касбий компетентлигининг муҳим мезонларидир.

Фуқарорлик маъсулияти – жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва мувофақиятларга фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Маданият – дунё тўғрисидаги тассавурлар бойликлари ва муайян турмуш тарзининг умумийлиги билан боғлиқ одамлар учун умумий ахлоқ қоидалар тизими.

Тарбия – маънавий манбаалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқиқтувчининг ўққувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро оммавий ва назарий мулоққотидир.

Тарбия жараёни – тарбия жараёнини моҳияти ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳатти – ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим.

Тарбия мақсади – талаба-ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий педагогик тадқиқот методлари қўлланилади.

Тарбиячи - “эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади” (Конфуций)

Миллатлараро тотувлик ғояси (МТҒ) - бу умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини тараннум қиладиган ва шу ҳудуддаги тинчлик ҳамда барқарорликни кафолатига хизмат қиладиган ғоядир.

Қадрият – бу кадр-қиммат маънони англатиб, у инсон учун қадрли бўлган барча нарса ва ҳодисалар (предмет ва жараёнлар) мажмуидир.

Умуминсоний қадриятлар – бу умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ва унинг цивилизацияси билан боғлиқ бўлган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуасидир

“Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларининг мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантириш юзасидан суҳбат саволлари:

Т/р	Саволлар
1	Ўзбекистон халқи қадимдан муҳтожларга беғараз ёрдам бериш ғоясини ахлоқий маданиятнинг асоси эканлиги қандай?
	Мурувват ва саховат моддий ва маънавий шаклга эга ижтимоий-ахлоқий қадрият сифатида эканлигини айтинг?
2	“Мурувватлилик ва саховатлилик” нима учун керак?
3	Мурувватли ва саховатли шахснинг қандай хусусиятларини биласиз?
4	“Саховатлилик” деганда нимани тушунасиш?
5	Мамлакатимиздаги тинчлик осойишталикни асрашда сизнинг маъсулиятингиз нималардан иборат?
6	Сизнингча “Мурувватлилик ва саховатлилик” фазилатининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
7	Ёшларда мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришида ОАВ ўрни нималардан иборат?
8	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатини шакллантиришда дарсдан ташқари фаолиятнинг ўрни қандай деб ўйлайсиз?
9	Мурувватлилик ва саховатлилик фазилатлари халқимиз табиатига хос деганда нималарни тушунасиш?
10	Миллий маданиятимизнинг такомиллашувида ёшларнинг ўрни нималардан иборат?

Ибратли ривоят**Олим Муҳаммад расул Расулий айтади:**

Куз кунларидан бир кун саксон ёшга кирган бир чол ёғоғдан ясалган уйда ўтирганди. Ниҳоятда қариганлигида унинг соч-соқоли жуда оқорган бўлса ҳам, юзи тўла, бели бақувват ва қўллари чайир, ҳамма аъзолари саломат эди. Чолнинг қаршисида унинг набира ва эваралари ўйнаб юрганди.

Шу пайт бир йигий келди-да, чолга салом бериб, унинг хол-аҳволини сўради. Чол билан бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин ундан шунча ёшга етган бўлса ҳам, ёш йигитлардек қувватли ва ғайтарли эканини сабабини сўради. Чол у йигитга:

- Отам-онам ёшлигимдан бошлаб кун чиққунча ўрнимда ялқовланиб ётишга рухсат бермади. Шунинг учун эрталаб дарҳол ўрнимдан туришим билан бир иш билан машғул бўлдим, иш ва меҳнатдан сира қочмадим, эринмадим. Ишга ихлос билан берилиб, уни ўлда-жўлда қолдирмасдан тўла-тўқис бажаришга ғайрат қилдим. Бутун умримни иш ва меҳнат билан ўтказдим. Иш-меҳнат бутун аъзойимни қувватли қилди, менга узок умр, саломатлик бағишлади. Энди ўғилларим ва набираларимни иш-меҳнатга ўргатиб турибман. Агар сен ҳам мендек кўп яшашни, қувватли ва соғ-саломат бўлиб умр кечиришни истасанг, иш меҳнатдан асло тортинма. Ҳар вақт ихлос билан берилиб иш қил, ялқовликдан йироқ бўл, - деб жавоб берди.

“Керакли сўзларни топиб қўйинг” методикаси

Тренингнинг мақсади: тарбияланувчиларда гуруҳдошларига нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Тарбиячи тарбияланувчиларга бир варақ қоғоз олиб, доскага ёзилган қуйидаги гаплардаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ёзишни сўрайди.

1. Мен кўпроқ инсонлардагиқадрлайман.
2. Мен ўз тенгдошларимни учун ҳурмат қиламан.
3. Мен ўз тенгдошларимни учун ҳурмат қилмайман.
4. Мен ўзимда кўпроқфазилатларни акс эттиришни хоҳлайман.
5. Менинг ҳаётдаги энг асосий мақсадим – бу
6. Мен исталган қарорни чиқаришда асосланаман.
- 7.

II. Ўқувчилар индивидуал тарзда гаплардаги керакли сўзларни ёзиб бўлишгандан сўнг, дастлаб жуфтликларда ва сўнгра гуруҳларда ўз фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар.

III. Гуруҳларда муҳокама қилиш учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи доскага қуйида кўрсатилганидек, “Тоифалаш жадвали”ни чизади ва уни гуруҳларда тўлдиришни сўрайди.

Биз қадр- лаймиз.....	Биз ҳурмат қиламиз...	Биз ҳурмат қилмаймиз....	Биз эри- шишни истаган фази- латлар....	Бизнинг мақсади- миз...	Биз таянадиган асослари...

IV. Ҳар бир гуруҳ ўз тоифалаш жадвалларини тўлдириб бўлишгач, алоҳида-алоҳида тақдимот қиладилар.

“Фикр билдириш...” методикаси

Тренингнинг мақсади: тарбияланувчиларда турли вазиятларни таҳлил этиш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини шакллантириш.

Тренингнинг бориши:

I. Тренер дастлаб ўқувчиларга қуйидаги ижтимоий-сиёсий мазмунига эга вазиятларни тақдим этиб, уларга “ҳар доим”, “баъзан”, “қисман”, “ҳеч қачон” жавобларини беришни тавсия этади:

1. Мен давлат ва жамият олдидagi бурч ва мажбуриятларимни билишга интиламан.
2. Мен ижтимоий-фаоллигимни доимо намоён этаман.
3. Мен ўз тасаввурларимда давлат сиёсий жараёнларига ва сиёсий ходисаларга фаол муносабатда бўла оламан.
4. Мен миллий ва умуминсоний қадриятларимизни ҳурмат қиламан.
5. Мен бошқа миллат хусусиятларини билишга қизиқаман.
6. Мен миллий тафовутларга толерант муносабатда бўламан.
7. Мен ўзгача нуқтаи назарни ҳурмат қиламан.
8. Мен ўз нуқтаи назаримни тўғри ва асосли баён қила оламан.
9. Мен суҳбатдошимни эмпатик қабул қила оламан.

II. Ўқувчилар вазиятларни индивидуал тарзда таҳлил этиб бўлишгач, дастлаб жуфтликларда, сўнгра гуруҳлар бирлашиб, вазиятлар берилган жавобларни муҳокама этишади ва умумий қарорлар қабул қилинади.

“Контакт” – жамоавий ҳикоя тузиш тренинги.

Тренинг мақсади:

- 1) иштирокчиларни бир-бири билан таништириш;
- 2) дўстона муносабатни ва ижодий муҳитни юзага келтириш;
- 3) тарбияланувчилар ўртасидаги руҳий тўсиқларни енгишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: Мазкур тренинг тарбиячи ва тарбияланувчилар жамоасини, унинг табиати, ижодий имкониятлари, қобилиятлари, ишга муносабатлари, шунингдек, педагогик жараёнда ким билан қандай ишлашни, нимага эътибор беришни, кимга нимада ёрдам беришни, кимни қувватлашни ва ш.к.ларни билишга имкон яратади.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Машғулоти бошланишидан олдин тарбиячи илтимосига кўра тарбияланувчилар хонанинг киравериш жойида махсус столга тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган қоғозлардан биттадан танлаб оладилар (рақамли қоғозлар ўқувчилар сони бўйича тайёрланади) ва доира шаклида қўйилган стулларга бориб жойлашадилар.

Тарбияланувчилар ўз жойларини эгаллагач, тарбиячи улар билан тузиладиган ҳикоянинг мавзусини келишиб олади ёки тарбиячининг ўзи бирон бир мавзу таклиф этади (ҳикоя мавзуси тарбияланувчиларнинг ёши, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда саргузаштли, ҳаётӣ ёки ёшлар ҳаёти, одоб-ахлоқи ҳақида бўлиши мумкин).

Машғулоти тарбияланувчилардан бирининг бирон бир мавзу ёки танланган мавзу асосидаги ҳикоясидан бошланиши мумкин (унча фаол бўлмаган гуруҳларда мавзу бўйича ҳикояни тарбиячининг ўзи бошлаб бериши мумкин). Ҳикояни бошлаган тарбияланувчи, унинг энг қизиқарли жойида сўзлашдан тўхтаб, “Ҳикоянинг давоми рақамли тарбияланувчида” дейди. Рақами кўрсатилган тарбияланувчи ҳикояни (воқеани) тўхтаган жойидан (мавзудан чиқмаган ҳолда) бошлаб давом эттиради. Бу тарбияланувчи ҳам аввалги тарбияланувчи каби ҳикоянинг энг қизиқарли жойида тўхтаб “Ҳикоянинг давоми рақамли ўқувчида” дейди. Мос рақам кўрсатилган тарбияланувчи ҳикояни (воқеани) келган жойидан бошлаб давом эттиради. Ҳикояни сўзлаш, давом эттириш даврадаги тарбияланувчиларнинг ҳар бири иштирок этмагунча, шу тариқа давом этади.

Тарбиячи тарбияланувчиларнинг сўзлаётган ҳикоялари бир-бирига мантқан боғлиқ ва мазмунга эга бўлишини кузатиб боради ҳамда мавзудан, мазмундан четланиш бўлса, бу ҳолатни тўғрилаб боради.

Ҳикоя тузилгач, тарбиячи барчага миннатдорчилик билдиради ва керакли тавсияларни беради.

“Қадам-бақадам” тренинги.

Тренинг мақсади: тарбияланувчиларнинг толерант хулқ-атвори эгаллаганлик даражаларини аниқлаш.

Тренингдан кутиладиган натижа: тарбияланувчилар бир-бирига қарама-қарши сўзларни топиш орқали толерант ва интолерант сўзлар билан танишадилар, уларнинг ҳаётдаги ўрнини аниқлайдилар, бу сўзларни ўз фаолиятларида қўллаш даражасини белгилайдилар.

Машғулоти ўтказиш тартиби. Машғулоти “қадам-бақадам” усули асосида ташкил этилади, яъни машғулоти давомида амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир иш бир қадам деб олинади ва ҳар бир қадамда тарбияланувчилар бирон-бир фаолиятда иштирок этадилар ёки бирон-бир иш бажарадилар. Мисол тариқасида, “Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзларни айт” мавзусидаги тарбиявий машғулоти ўтказиш тартибини келтириб ўтиш мумкин:

1-қадам – тарбияланувчилар тарбиячи томонидан тарқатма материалда ёзилган сўзларни диққат билан ўқиб чиқишлари ва ҳар бир сўзнинг қаршисига аҳамияти бўйича қарама-қарши бўлган сўзларни ёзишлари зарур:

Ҳамдардлик –
 Раҳмдиллик –
 Очиққўнглилик –
 Инсонпарварлик –
 Зийраклик –
 Саҳоват –
 Эркинлик –
 Адолат –

2-қадам – тарбияланувчилардан ҳар бир сўзга таъриф бериш талаб қилинади.

3-қадам – гуруҳларга бўлиниб, келтирилган сўзлар иштирокида ҳикоя ёки эртак тузиш тавсия этилади.

4-қадам – гуруҳларда бир-бирларининг ҳикоялари (эртаклари) юзасидан савол-жавоблар ўтказилади.

5-қадам – гуруҳ ишлари ўзаро баҳоланади.

6-қадам – тарбиячи машғулоти якунлайди.

“Панорама” тренинги.

Тренинг мақсади: машғулот тарбияланувчиларни аниқ бир муаммони якка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб) фикр юритиб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан зарурини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўргатиш.

Тренингдан кутиладиган натижа: тарбияланувчилар эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга; фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулар бўйича эгаллаган билимларини қўллай олишга ўрганадилар.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Тарбиячи машғулотни ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи таҳдидлар, хатарлар: халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар тажовузи, ОИТС, эгоцентризм, ахлоқсизлик фалсафаси, “Дунё фуқаролари” — космополитизм ва уларга нималарни қарши қўйиш: фарзандларни асраш, ҳушёрлик, ёшларни ғоявий қуроллантириш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш, таҳдидлар моҳиятини оддий сўзлар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириш, миллат келажаги учун масъулиятни шакллантириш, ирода, эътиқодни мустаҳкамлаш, онгли яшашга ўргатиш, ахборот тажовуз моҳиятини очиб бериш, никоҳни мустаҳкамлаш кераклиги ҳақида маълумот беришдан бошлайди. Тарбиячи машғулотнинг асосий мавзуси бўйича йўналтирувчи сўзида, ҳозирги кунда ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтиришга катта эътибор қаратилаётгани, чунки мафкуравий иммунитет — бегона, зарарли ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда, унга нисбатан ўз муносабатини билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайер

бўлиш имконияти эканлиги, ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг мустақил фикрига эга бўлмагунча бундай иммунитетни шакллантириб бўлмаслиги ҳақида фикр билдиради ва пгу сабабдан бугунги тарбиявий машғулотнинг мазмунини “Замонанинг глобал муаммолари” мавзуси орқали ёритиш зарурлигини тушунтиради.

Тарбиячи кириш сўзидан сўнг, тарбияланувчиларнинг умумий сонига қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (кичик гуруҳлар сони 4 ёки 5 та бўлгани мақсадга мувофиқ). Сўнгра, у тарбияланувчиларга машғулотнинг мақсади ва уни ўтказилиш тартибини тушунтиради. Ҳар бир кичик гуруҳга аввалдан тайёрланган тарқатма материалларни таркатади. Тарбиячи кичик гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда берилган жадвалда ёзилган асосий фикр “Исон одоби билан гўзал” мавзусига киритилган одоб ахлоқга оид маълумотлар билан танишиб чиқиш ва улардан биттасини танлашни талаб этади. Танлаган муаммолари бўйича ажратилган бўлимга ўз фикр-мулоҳазаларини биргаликда ёзма баён этишларини сўрайди, уни бажаришга уларнинг ўзаро муносабатларини чизиклар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши ҳолатлари ишлаб чиқилади.

Мавзу: “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” номли байрам тадбири ишланмаси

Муסיқа садолари остида болалар залга таклиф қилинади.

Тарбиячи : Болалар, Ўзбекистонимиз қачон мустақил бўлган ?

Тарбияланувчи: Ўзбекистонимиз 1991 йил 31 августда мустақил бўлди. 1-сентябр эса “Мустақиллик куни” деб эълон қилинди. Ўзбекистонимиз ўз байроғи, тамғаси, мадҳияси, пул бирлиги, паспорти, Конституциясига эга бўлди.

Тарбиячи : Бизнинг юртбошимиз ким ?

Тарбияланувчиларнинг жавоби: Юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов Самарқанд шаҳрида хизматчи олиласида дунёга келган. Миллати – ўзбек. Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти.

Байроғи бор, герби бор,
Эркесвар Ўзбекистон.
Мадҳиянгни куйлайман,
Жонажон Ўзбекистон.
Ўзбекистон Республикаси мадҳияси айтилади.
Ўзбекистон узра ҳилпирар байроқ,
Тинчлик поспонидир ҳамиша, ҳар чоғ.
Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон,
Унга бошин эгар ҳар мўмин инсон.
Қизил ранг эса томирдаги қон,
Яшил ранг табиатнинг ёрқин тимсоли.
Ярим ой, юлдузлар, мусаффо осмон,
Келажаги буюк ҳур Ўзбекистон.
Тамғамизда тоғлар бор,
Дарёлар бор, боғлар бор.
Ўнг томони пахтазор,
Чап томони буғдойзор.
Чамбаракка ўралган,
Водий узра куёш бор,
Ҳурлигимизнинг рамзи,
Хумо деган куши бор.

Тарбиячи : Болалар, Ватан бу нима?

Тарбияланувчиларнинг жавоби: Ватан – бу уйимиз, боғчамиз, мактабимиз, киндик қони тўкилган жой, бу ҳамма-ҳаммаси Ватандир.

Мустақил заминсан, эй, она диёр,
Қадамнинг теккан жой бўлади гулзор.
Сен менинг ҳаётим, бахту иқболим,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.
Ўлка кўпдир дунёда,
Бир-биридан зиёда.
Ўртоқжонлар, дўстларим,

Тингланг юрак сўзларим.
Бир гулистон дейдилар,
Ўзбекистон дейдилар.
Тошкент унинг пойтахти,
Дўстликдан кулган бахти.
Ой бўламиз, той бўламиз,
Шўхликлари сой бўламиз.
Амир Темур бобомиздек,
Ботир хотамтой бўламиз.
Ой бўламиз, той бўламиз,
Сўзи ширин той бўламиз.
Йигитчалар Алпомишу,
Қизлар Барчиной бўламиз.
Кичкинтой деманг бизни,
Ватан дея ёнамиз.
Хушёргина чаққонмиз,
Содик фарзанд бўламиз.
Бир, икки, уч, тўрт,
Санашни ҳам биламиз.
Тўрт муччамиз соппа-соғ,
Соғлом авлод бўламиз.
Мадҳиянг тилда,
Мақоминг дилда.
Байроғинг қўлда,
Ўзбекистоним, Ўзбекистоним.
Сиз айтган ҳар бир жой,
Битта бўстон бўлади.
Ҳаммасини қўшганда,
Ўзбекистон бўлади.

Тарбиячи : болалар, бизнинг шиор?
Бизлар ҳам бўлайлик баркамол инсон,
Бизга қойил қолсин, жумлаи жаҳон!

Тарбиячи : Ҳамма жойда рекламаларга катта эътибор берилгани учун бизнинг Меҳрибонлик уйимизда ҳам рекламага эътиборсизлик бўлмайди.

1-бола: Агар сиз ҳар хил ўйинлар ўйнамоқчи бўлсангиз.

2-бола: Ўйинга қизиқсангизу ўйин ҳақида бирор-бир маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз.

3-бола: Ўйналган ўйинларингизни осон ўйнашни хоҳласангиз, у ҳолда:

4-бола: Биз билан ҳамкорлик қилинг, бизнинг уйимизга ташриф буюринг, бизнинг тарбиячи опаларимиз шўх ва қувноқ ўйинлар ўйнатишни асло унутишмайди.

Ҳамма болалар: Биз бунга кафолат берамиз, биз бунга кафолат берамиз.

Таълим метод шакл ва восталари

Усуллар	Шакллар	Воситалар
Маъруза Ҳикоя Тушунтириш Йўриқнома бериш Намойиш Кўрсатиш Видеоусул Китоб билан ишлаш Лаборатория усули Машқ Амалий иш усули Вазиятлар усули	Маъруза Семинар Амалий машғулоти Лаборатория машғулоти Мустақил иш Кундузги Масофавий Оммавий Жамоавий Гуруҳларда ишлаш Якка тартибда	Диапроектор Графопроектор Доска-блокнот Доска-стенд Флипчарт Видеофильмлар Ёзув тахтасива бошқ. Модел,муляжлар График, диаграммлар Намуналар Чизма, схема ва бошқ